

Д.А. Маджидова

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ
МУҲИТИДА АЛОҲИДА ТАЪЛИМ
ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИНГ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ**

услубий қўлланма

**BOOKMANY
PRINT**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Д.А. Маджидова

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ
БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ**

**“BOOKMANY PRINT”
ТОШКЕНТ – 2023**

УЎК 37.015.31

ББК 74

М 14

Маджидова Д.А.

Инклюзив таълим муҳотида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим-тарбияси [Матн]: услубий тавсия / Д.А. Маджидова. – Тошкент: Bookmany Print, 2023. – 56 б.

Мазкур услубий тавсияларда болаларда сенсор интеграциянинг ривожланиши ва бузилиш жараёни, сенсор интеграциясининг депривация шароитида ўсаётган боланинг ривожланишидаги ўрни, сенсор сигналларни таҳлил этишдаги бузилишларни аниқлаш методикаси, сенсор интеграциясида бузилишлари мавжуд бўлган болалар билан терапия усуллари, коррекцион ишни ташкил этишда тавсиялар келтирилган. Иловаларда туғилганидан 6 ёшгача бўлган болаларнинг ривожланишлари тахминий кўрсаткичлари келтирилган, сенсор-интеграцион терапия бўйича машқлар ҳамда мазкур йўналишдаги ишларда самарали бўлган воситалар таклиф этилган.

Услубий тавсиялар таълим муассасалари психолог, дефектолог, тарбиячилари ҳамда ота-оналар учун болалар билан ишлашларида амалий ёрдам кўрсатади.

Масъул муҳаррир:

Х.Ибраимов – педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Ш.Қ.Мардонов – педагогика фанлари доктори, профессор

Р.М.Медетова – педагогика фанлари доктори, профессор в.б..

Услубий қўлланма Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2023 йил 28 апрелдаги 4-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9727-3-5

© Маджидова Д.А.

© “Bookmany Print” нашриёти, 2023.

КИРИШ

Замонавий таълим тизимида таълим муҳитининг барча соҳаларига таъсир кўрсатадиган ўзгаришлар рўй бермоқда. Ушбу ўзгаришлардан бири инклюзив таълим амалиётини киритиш ва мустаҳкамлаш бўлиб, у ногирон болаларни биргаликда таълим ва тарбиялашни, таълим жараёнида турли хил таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг мавжудлигини назарда тутди. Инклюзив таълимнинг кенг қўламли муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги ёндашувларни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлдаги “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь)” ратификация қилиш ҳақида”ги ЎРҚ-695-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони, 2020 йил 13 октябрдаги «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларда таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4860-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сонли “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олишларига имкониятлар яратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш”¹ устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Инклюзив таълим (инглизча *inclusion* – *инклюзия*) – бу алоҳида болага қаратилган инновацион қадам, чинакам инсонпарвар таълим амалиётини амалга оширишни англатади. “Инклюзив” ёки “инклюзивлик” энг тўғри атама бўлиб, у қуйидагича талқин

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони/ <https://lex.uz/docs/5841063>

қилинади: бу мактабларни ислоҳ қилиш ва синфларни истисносиз барча болаларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуриш” [1. Б. 35]. Инклюзивлик (*inclusion* сўзидан - *киритиш*) жамиятдаги барча фуқароларнинг, биринчи навбатда, жисмоний ривожланишида нуқсонлари бор фуқароларнинг иштироки даражасини ошириш жараёнидир.

Расмий равишда “инклюзив таълим” атамаси Саламан декларациясида алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг таълим соҳасидаги тамойиллари, сиёсати ва амалиёти ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция билан мустаҳкамланган. Ушбу ҳужжатларда инклюзия ҳар бир шахснинг фарқлари ва хусусиятларини қўллаб-қувватлайдиган ислоҳот сифатида белгиланади.

Инклюзив таълим жисмоний, интеллектуал, ижтимоий, ҳиссий, лингвистик ёки бошқа хусусиятларидан қатъий назар, барча болалар учун таълим сифатида талқин этилади.

Бундай таълимнинг мақсади ногирон болаларни ижтимоий ажратишни ва уларнинг болалар боғчаси жамоаси, мактаб ҳаётида иштирок этиш имкониятини рад этиш, бошқача қилиб айтганда, махсус таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятлар турли хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча ўқувчиларнинг таълим олишдан тенг фойдаланишини таъминлашдир.

Инклюзив таълим самарадорлигини белгиловчи шарт-шароитлар мажмуаси орасида интегратив таълимни ташкил этишнинг инновацион моделларини, таълимни ташкил этишнинг янги шакллари ва усулларини излаш ва синовдан ўтказиш алоҳида ўрин тутди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йилда 2 апрель – Халқаро аутизм муаммоси ҳақида маълумот тарқатиш куни деб қабул қилинган бўлиб, шу вақтдан бошлаб бу кун ҳар йили нишонланиб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳар 88 боланинг бири аутизм синдроми билан дунёга келади. Бу маълумот 2012 йилда Autism Speaks ташкилоти томонидан тақдим этилган. Дунё миқёсида эса 67 миллиондан ошиқроқ инсон аутизм синдромига эга. Улар инсонлар орасида машҳур бўлган, дунё таниган инсонлар ҳам бор [21].

Инклюзивлик ногирон болаларни таълим муҳитини, мактаб муҳитини ҳар бир боланинг эҳтиёжларига мослаштириш, шу жумладан таълим жараёнини ислоҳ қилиш йўли билан ўқитиш муаммосини ҳал қилишни ўз ичига олади: - синф хоналарини

истисносиз барча болаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қайта куриш; - боланинг ривожланишидаги оғиш турига, ўқитувчиларнинг психологик ва услубий тайёргарлигига қараб зарур ўқув қўлланмалари [2. Б. 6].

Илғор педагогик ҳамжамият нормал ва заиф ривожланиши бўлган болаларни биргаликда ўқитиш аҳамиятини ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун таълимни кенгроқ қамраб олиш имконияти билан белгилайди, чунки улар учун махсус муассасалар жуда кам; ёпиқ мактаб-интернатда болаларни ўқитишда истисно қилинадиган оиланинг таълим салоҳиятидан фойдаланиш имконияти; алоҳида эҳтиёжга эга бўлган бола ўқишни тугатгандан кейин ҳам яшаши керак бўлган ташқи дунё билан алоқалар ва муносабатларни ўрнатиш имконияти; соғлом болаларда синфдошларнинг жисмоний ва ақлий нуқсонларига бағрикенгликни шакллантириш, ўзаро ёрдам туйғусини ва ҳамкорликка интилишни ривожлантириш, ички маънавий дунёсини бойитиш, мулоқот қилиш кўникмаларини такомиллаштириш; ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш амалиётида қўлланиладиган махсус, ўта самарали усул ва услубларни оммалаштириш имконияти, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитишнинг ўзига хос технологияларини ўзлаштириш орқали ўқитувчиларнинг методик тайёргарлиги сифатини ошириш ва ҳоказо. Шундай қилиб, “инклюзив таълим” атамаси таълим тизими ва ногиронларнинг жамиятдаги ўрнига замонавий ёндашувни акс эттиради [3. Б. 6].

Аутистик спектрида бузилишлар ва аутизм синдроми ҳақида тушунча

“Аутизм – (грекчадан – ўзи, якка деган маънони англатади) мулоқот бузилишининг сўнгги чегараси сифатида талқин этилиб, реалликдан ўз ички кечинмалари дунёсига чекинишни билдиради. Бу термин илк бор швейцариялик психиатр ва психолог Э.Блейлер томонидан киритилган бўлиб, психик ва хулқий бузилишларнинг йиғиндисини англатади.

Одатда, аутизмнинг аниқ-равшан намоён бўладиган 3 та соҳаси ажратилади:

- нутқ ва мулоқот соҳаси;
- ижтимоий ўзаро муносабатларга киришиш соҳаси;
- хаёл, ҳиссий соҳаси.

Мулоқотга киришиш ва ижтимоийлашув билан боғлиқ кийинчиликлар, ҳиссий алоқаларни ўрната олиш қобилиятига эга эмаслик, нутқ ривожланишидаги бузилишлар аутизмнинг асосий белгилари сифатида тушунтирилади, бироқ шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, аутизмга психиканинг ҳар бир соҳасининг – ақлий ва ҳиссий, яъни, идрок, моторика, диққат, хотира, нутқ каби соҳаларнинг аномал ривожланиши хосдир.

Психик соҳадаги бузилишларнинг умумийлигига қарамай, аутизм синдроми турли кўринишларда намоён бўлади. О.С.Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлингарнинг “Аутик бола: ёрдам бериш йўллари” (“Аутичный ребенок: пути помощи”) (М., 1997) АСБ бўлган болаларни фарқлашга оид турли ёндашувларга мисоллар келтирилади. Унга кўра, инглиз тадқиқотчиси, доктор Л.Винг бундай болаларни уларнинг ижтимоий муносабатларга кириша олиш имкониятларига кўра “ёлғиз” (мулоқотга киришишга интилмайдиган), “пассив” ва “фаол, бироқ беътибор” каби турларга ажратган. Унинг фикрича, ижтимоий мослашувга эришиш имкони эҳтимоли юқори бўлган гуруҳ – бу “пассив” болалар тоифасидир. Китобнинг муаллифлари ҳам аутистик спектрида бузилишлар (АСБ) бўлган болаларни уларнинг олам билан мулоқотга кириша олиш ва ундан ҳимояланиш усулларига кўра таснифлашни асос сифатида қабул қилишни таклиф қиладилар. Аутизм намоён бўлишининг асосий 4 хил шакллари ажратадилар:

1. Бўлиб ўтаётганларга нисбатан бутунлай бефарқлик, борлиқдан ажралганлик. Бу шаклдаги аутизм муаммосига эга бўлган болалар илк болалик даврида ўзидаги ривожланишдаги кўпгина камчиликлар ва фаоллигидаги бузилишларни намоёиш этадилар. Кейинроқ эса улар ташқи олам билан фаол тарзда мулоқотга киришишдан буткул бош тортадилар. Бундай болалар ўзгаларнинг чақириғи ёки мурожаатига жавоб қайтармайдилар, ўзлари ҳам бирон-бир нарсани сўрамайдилар, уларда мақсадга қаратилган хулқ шаклланмайди. Улар нутқ ва имо-ишора, белгилардан ҳам фойдаланмайдилар. Бу – боланинг атрофида бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалардан буткул ажралиб қолиши ва бефарқлигида намоён бўлувчи аутизмнинг оғир шакли бўлиб ҳисобланади.

2. Фаол тарздаги рад қилувчанлик. Бу гуруҳ бол алари нисбатан фаолроқ бўлиб, атрофдагилар билан мулоқотдан камроқ тортинадилар, бироқ уларга оламнинг каттагина қисмини қабул

қилмаслик хосдир. Бундай болалар учун вужудга келган ҳаётий одатларга, белгиланган хатти-ҳаракатларга жиддий тартибда риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Уларни доимо таниш муҳит қуршаб туриши зарур, шунинг учун уларнинг муаммолари ёши катта бўлган сари – уйнинг ички муҳитидан бошқа ташқи муҳитга чиқиб, мослашишлари, янги инсонлар билан мулоқот қилиш зарур бўлган даврларда зўрайиб бораверади. Уларда турли хил ҳаракатли одатлар кузатилади. Улар нутқдан фойдаланишлари мумкин, бироқ уларнинг нутқли ривожланиши ўзига хосдир: улар, аввало, одатий маълум бир сўзларни қатъий равишда аниқ бир вазият билан боғлаган ҳолда ўзлаштирадилар. Уларга гўёки телеграф стил(услуб) хосдир.

3. Артистик қизиқишлар билан чулғанганлик (ёки ўзига маҳлиёлик). Бу гуруҳ болалари турли хил низом, можароли вазиятларни юзага келтирувчи, ўзгаларнинг қизиқиш ва манфаатларини ҳисобга олишни билмаслиги, бир хил тартибдаги машғулот ва қизиқишларга “шўнғиб кетувчи”лиги билан фарқланадилар. Бу болалар жуда ҳам “сергап” бўлиб, катта сўз бойлигига эга бўладилар. Бироқ улар жуда ҳам мураккаб, адабий сўзлар билан гапирадилар, ҳатто уларнинг нутқлари катталарнинг беўхшов нутқларини эслатади. Уларнинг ақлий иқтидорларига қарамай, тафаккур қила олиш имконлари бузилган бўлиб, улар вазиятнинг моҳияти ва туб маъносини ҳис қила олмайдилар, бир вақтнинг ўзида бўлиб ўтаётган бир неча ҳодисаларнинг мазмунларини идрок қилишга қийналадилар.

4. Мулоқот ўрнатишдаги ва ўзаро муосабатга киришишдаги қийинчиликлар. Бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатишда имкониятларининг етишмаслиги – бу гуруҳдаги болалар учун марказий муаммолардан биридир. Бу болалар учун ҳаракатли кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар хосдир, уларнинг сўз бойлиги кам бўлиб, гаплари ҳам грамматик жиҳатдан нотўғри курилади, улар оддий ижтимоий вазиятларда “ўзларини йўқотиб қўйишлари” мумкин. Бу аутизмнинг енгилроқ бўлган шаклларидадир.

Статистик маълумотларга қараганда чуқур шаклдаги аутизм 1000 дан биргина болада учраши мумкин. Кундалик ҳаётда, болалар боғчаси ёки мактабда, биз одатда фақатгина қайсидир бир алоҳида аутик белгилари бор бўлган болаларга дуч келишимиз

мумкин. Қиз болаларга қараганда ўғил болалар ўртасида аутизм 4-5 маротаба кўпроқ учрайди.

Аутизмнинг келиб чиқиш сабаблари айтилиши вақтларга қадар охиригача ўрганилмаган. Кўпгина муаллифлар бунини ҳомила вақтидаги ривожланиш ва туғилгандан сўнгги илк болалик давридаги оғир касалликларнинг кечирилиши билан боғлаб тушунтирадилар. АСБ бўлган болаларда одатдагидан кўра кўпроқ мия дисфункцияси кузатилади, организмда моддаларнинг биохимик алмашинувида бузилишлар мавжуд бўлади. Аутизм кўпинча бошқа психик бузилишлар билан ҳамроҳлик қилиши билан, комплекс муаммо тарзида намоён бўлади.

Аутистик спектрида бузилишлар бўлган боланинг тасвири

Аутизмнинг белгиларини бола ҳаётининг биринчи ойларидаёқ кўриб, аниқлаш мумкин. АСБ бўлган болаларда меъёридан ривожланаётган гўдакка хос бўлган “жонланиш комплекси” бузилади. Бундай бола чироқ нурига, шиқилдоқнинг товушига етарлича эътибор қаратмайди. Ўз тенгдошларига қараганда ўз онасини анча кечроқ таний бошлайди. Уни ҳатто таниган тақдирда ҳам бола онага талпинмайди, жилмаймайди, унинг олдидан узоқлашишига бефарқ бўлади. Бола ҳаракатсиз ва “ўзга томонга қараш” каби “силжимас” нигоҳ билан “қараш” хос бўлиб, у ўз исмига ҳам “жавоб қайтармайди”.

АСБ бўлган боланинг диққатини қўйишда ва узоқ вақт давом этадиган ёрқин нур қилиши мумкин, бироқ худди шу тариқа қўйишда исталган нарсадан, масалан, девордаги суратдан, ўз қўлидаги бармоқлардан ваҳимага тушиб, қўриқиб кетиши мумкин. Бундай болада кўпинча ҳаракатлар такрорланиши, яъни одатга айланган хатти-ҳаракатлар кузатилади: бола аравача ёки кроватда тинмай тебраниши, қўлларини бир хил тарзда силкитиб туриши, узоқ вақт давомида битта товушни чиқариб, қайтариб ўтиравериши мумкин.

Тобора каттароқ ёшларида АСБ бўлган болалар тевақилсизлик, атрофидагиларга нисбатан бефарқлик, гўёки борлиқдан ажралиб қолаётгандек туюладилар. Одатда улар нигоҳларнинг тўқнашишидан, кўз-кўзга тўғридан-тўғри қараб туришидан қочадилар. Одамга тикилиб қараб турган бўлсалар-да, фақатгина юзнинг баъзи бир қисмларини ёки кийимнинг алоҳида бўлакларига

шунчаки разм солаётган бўладилар. Бундай болалар, одатда, теварак-атрофдагилар билан мулоқотдан узоқлашишга интиладилар. Шундай фикрлар ҳам мавжудки, муомала ўрнатишни истайдиган ва буни доимо кутадиган, бироқ қайсидир сабаблар билан мулоқотга киришишдан қўрқадиган хавотирланувчан болалардан фарқли ўлароқ, АСБ бўлган болаларда суҳбатлашиш, муомала қилиш истаги мавжуд бўлмайди.

АСБ бўлган болалар жамоа бўлиб ўйнайдиган ўйинлардан бош тортадилар. Улар бир чеккада ёлғиз ўзлари “ўйнайдилар”. Бундай болалар астойдил муккасидан кетиб, ҳатто йиллар давомида битта ўйинни ўйнайвериши, бир хил расмларни чизавериши мумкин. Масалан, 5 яшар бола катталарнинг дарахт, одам, машина расмини чизиб беришини сўраб қилган мурожаатларига жавобан узоқ вақт мобайнида ва бутун вужуди билан “берилиб” қалам билан ишлагандай бўлиб, “расмини” ҳар гал чизиб бўлгач, “Зинапоя!” деб тушунтиради. Баъзи болалар эса умуман ўйин ўйнамайдилар ва ривожланиши ҳам бирон-бир нарсани содда манипуляция қилиш, яъни ушлаб бошқариш босқичида орқада қолади.

АСБ бўлган болаларга стереотип механик хатти-ҳаракатлар тарзи хосдир. Масалан, бола юзини ювиш ўрнига кўп мароталаб кран бурагичини у ёқдан – бу ёққа бурайвериши, ёки бесабаб ва бетўхтов чироқни ўчириб-ёқавериши мумкин. Баъзан у танаси билан узоқ вақт мақсадсиз бир хил тарздаги ҳаракатларни бажариши, яъни тебраниши, қўллари ёки калтакни силкитиши, тўпни уравериши мумкин. Бизнинг амалиётимизда ҳам махсус мактабнинг 2-синф ўқувчиси Маҳмуд А. бутун машғулот давомида мутахассиснинг тушунтиришларига қарамай, топшириқни бажармасдан, коптокни шунчаки бир-бирига ураверар эди.

Мулоқотга киришиш билан боғлиқ бузилишлари мавжуд бўлган болалар маълум бир одатларга риоя қилишни маъқул кўрадилар. Ҳаётидаги ёки кун тартибидаги ҳатто арзимас ўзгариш боланинг руҳиятини жароҳатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. “Ўзи билан ўзи овора бўлиш” ёки тўсатдан яқинлари, тенгдошлари, ҳайвонлар билан муносабатларда қўполлик қилиш, ё атрофидаги барча нарсани бузиш ва тўкиб-сочишга нисбатан интилиш билан намоён бўладиган агрессиянинг “портлаши” бундай ўзгаришларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Бундай болаларда кўпинча арзимаган омадсизликлар туфайли ҳам ўз-ўзига жаҳл қилишлари кузатилади. Шу пайтда боланинг ён-

атрофидаги катта ёшдагилар эса кўпинча боланинг бу тариқа “портлашининг” сабабларини тушуна олмайдилар. Улар бошқа болалар билан мулоқот қилиш кўникмасига эга бўлсалар-да, ҳар доим ҳам катталар улар учун “арзимас” бўлган, бироқ АСБ бўлган бола учун жуда ҳам зарур бўлган оддий ҳолатларга эътибор беравермайдилар.

Мисол: 4 яшар Жасур, гуруҳидаги бошқа болалар билан ҳовлига сайрга чиқишга тайёргарлик кўраётганда бирданига чинқириб йиғлаб юборди. У жазавага тушиб, барча нарсаларини атрофига қараб отиб ташлаб, полда думалаб бақирар эди. Болани олдида пайдо бўлган ҳар қандай катта ёшдагиларнинг унга ёрдам беришга уринишларидан сўнг, у тобора кучлироқ ва қайта-қайта бақириб, бошини полга ураверарди. Барча болалар сайрга чиқиб кетгач, Жасурнинг йиғлашга “кучи” қолмади шекилли, бироз тинчланди. Тажрибали тарбиячиси ўз тажрибасидаги “заҳиралардан” фойдаланиб, бу тариқа “потрашнинг” сабабини қидиришга уринди. Боланинг кўзига қараб туриб, Жасурнинг кайфиятини бузиши мумкин бўлган барча эҳтимолий сабабларни қидира бошлади. Тарбиячиси бирин-кетин сабабларни таҳлил қила бошлади, бироқ болани бу ишга жалб қила олмади. Аммо, маълум бир вақт ўтгач, тарбиячи боланинг эътиборини жалб қилишнинг уддасидан чиқа олди: тарбиячи боланинг пайпоғини тўғрилаётганида бола, бирданига “жонланди”. Кейин эса бефарқлик билан, лекин қаршилик билдирмай сайрга чиқишга рози бўлди.

АСБ бўлган боланинг бундай тарздаги муносабати ойдисининг кийинтириб қўйган янги кийимга, жойидан ўзгартирилган жиҳозларга, бегона кишининг иштирокига, телевизорнинг овозига, нотаниш куй садосига, чангютгичнинг ғувиллашига нисбатан пайдо бўлиши мумкин.

Аутизм ҳар доим ҳам ақлий кўрсаткичнинг, яъни аыл-идрокнинг пасайиши билан бирга келавермайди. Амалий (нутқ билан боғлиқ бўлмаган) идрок ҳатто ёш даври меъёридан баланд бўлиши ҳам мумкин. Масалан, психологнинг Векслер методикаси бўйича саволларига жавоб беришдан бош тортган Дурдона Б. (6 ёш) новербал идрок хусусиятларини аниқлашга қаратилган топшириқларни (“Шаклларни бир-бирининг устига қўйиб чиқиш”, “Лабиринт”, “Кетма-кетликдаги расмчалар”) аъло даражада ва бажонидил бажарди. АСБ бўлган болалар кўпинча турли хил бошқотирмалар, кубиклар, мозаикалар билан муваффақиятли

ишлайдилар. Болаларнинг мана шу лаёқатларидан улар билан муомала ўрнатиш вақтида самарали фойдаланиш зарур.

Баъзан турли хил нарсаларни йиғиб, тошчалар, қоғозлар, чўплардан коллекция тузиш иши билан шуғулланиш бундай болаларга хузур бағишлайди. Баъзи АСБ бўлган болалар жуда ҳам иқтидорли бўлиб, алоҳида соҳалар бўйича муваффақият қозонишлари мумкин: улар ғаройиб даражадаги мусиқий қобилият эгаси, шахматни аъло даражада ўйнаши, яхши расм чизиши, мураккаб саноқларни ҳисоблай олиши мумкин. Масалан, барча севиб томоша қиладиган, америкалик киноусталар томонидан яратилган “Ёмғир одами” фильмида актер Дастин Хоффман казино ўйинида рақамли комбинацияларни қойилмақом даражада топувчи аутист Реймонднинг ролини моҳироналик билан тасвирлаб ўйнаган.

АСБ бўлган болалар учун нутқ ривожланишида орқада қолиш хосдир (баъзан аксинча, бунинг буткул қарама-қарши вазиятининг гувоҳи бўлишимиз ҳам мумкин). Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, нутқ ривожланишида ортда қолган, бироқ мулоқот соҳасида бузилишларга эга бўлмаган болалардан фарқли ўлароқ, АСБ бўлган болалар бу камчиликнинг ўрнини ҳатто имо-ишора, турли белгилар билан тўлдириб, фикр билдиришга уринмайдилар ҳам. Агарда нутқ ривожланишида илғагулик орқада қолишлар кузатилмаса-да, бола барибир ундан мулоқот воситаси сифатида тўлалигича фойдаланмайди, болага бошқа инсонлар билан суҳбат ўрнатиш қийин кечади. Баъзан унинг нутқини монологлар кетма-кетлигига ўхшатиш мумкин, диалогик нутқида эса (агар у шаклланган бўлса) эҳолалиялар (қулоққа чалинган сўз ёки ибораларнинг англанилмаган тарзда қайтарилиши) пайдо бўлади.

Агарда АСБ бўлган бола қисқа гапли нутққа эга бўлсада, одатда унда “Мен” ўзлик олмоши иштирок этмайди. “Мен” тушунчаси бундай болалар учун бегонадир. Атрофдагилар уларга муомалада “Сен” деб мурожаат қилганларидек, улар ҳам ўзлари ҳақида 2- ёки 3-шахс номидан гапирадилар. Бундан ташқари уларнинг нутқига ноаниқлик, англанилмаганлик хосдир. Бундай болаларда, одатда, механик хотира яхши ривожланган бўлганлиги учун улар алоҳида фикрларни, баъзан эса “ақлли”, катталарга хос бўлган, бироқ ёш даври ва ақлий ривожланишига хос бўлмаган гапларни узоқ вақтларгача хотирасида сақлаб қола оладилар. АСБ бўлган болалар мазмун ва моҳиятини ўйлаб ҳам кўрмай,

қулоқларига чалиниб қолган ва уларга ёқимли туюлган сўзларни автоматик равишда қайтариб юраверишлари мумкин. Бундан ҳайратга тушган ота-оналар эса, фарзандларининг иқтидорига ишонч ҳосил қилиб, меҳри товланиб, йиғлаб юборишлари ҳам мумкин.

АСБ бўлган болалар, одатда, савол билан тўғридан-тўғри ҳеч кимга мурожаат қилмайдилар, берилган саволларга ҳам тўғри юзланиб, жавоб беришдан қочадилар (кўпинча уларни эшитмайдилар ҳам). Болаларда нутқ оҳанги, ритми бузилган бўлиши мумкин, улар сўзларга нотўғри урғу берадилар. бундай болаларни тўғри гапиришга ўргатиш анча қийин, чунки у бу нарсага нисбатан заруриятни ҳис қилиб, англай олмайдилар.

Ўз “Мен”ини идрок қилмай, ўз танасини, унинг қисмларини ҳис қилмай туриб, мулоқотда бузилишларга эга бўлган болалар ўзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўникмаларнинг шаклланишида ҳам маълум бир қийинчиликларга дуч келадилар. Одатда, улар бошқа болаларга қараганда қийиниш, ечиниш, заруриятида тувак тутишга кечроқ ўрганадилар. Зеро, битта ҳаракатни қайта-қайта кўрсатавериши ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди: бола уни ўзлаштира олмайди.

К.С.Лебединская ўз вақтида ташхиснинг қўйилмаганлиги, тиббий-педагогик ёрдамнинг амалга оширилмаганлиги туфайли, бундай болаларнинг кўпгина қисми таълимни ўзлаштира ололмайдиган ва умуман ҳаётга мослашмаган бўлиб қолади. Аксинча, бузилишнинг илк ривожланиш даврларида аниқланилиши ва коррекцион тадбирларнинг ўз вақтида олиб борилиши натижасида АСБ бўлган болаларнинг каттагина қисмини таълим олишга тайёрлаш, баъзан эса эҳтимолий қобилиятларни ривожлантиришга эришиш ҳам мумкин.

АСБ бўлган болани қандай аниқлаш мумкин

Аутизм – бу тиббий ташхис, шунинг учун бундай ташхисни фақатгина мутахассис қўйиш ҳуқуқига эга. АСБ бўлган болага бутун бир комплекс хулқий хусусиятлар хос бўлганлиги сабабли ҳам биринчи галдаги вазифа – ҳар бир алоҳида вазиятда қайси бир бузилишлар етакчи бўлиб ҳисобланишини аниқлашдан иборат. Чунки бир вақтнинг ўзида ҳар бир бузилишларнинг коррекцияси билан шуғулланишнинг сира ҳам иложи йўқ. Бироқ бузилишларга

тўғри ташхис қўйиш борасида мутахассислар ҳам қийинчиликларга учрайди.

Эҳтимол, бу аутизмнинг кўп симптомларда ва кенг ҳолатларда намоён бўлиши билан, балки бу муаммо келиб чиқиши сабабларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги билан боғлиқдир. Олимлар то бу хасталик нима сабабли келиб чиқишини аниқлай олмагунларига қадар, ҳар гал болалардаги аутизм аниқланишида ва демак, ҳар бир бола учун коррекцион дастур тузилаётганда муаммолар пайдо бўлаверади. Бизда бундай болалар билан ишлаш борасида тажрибалар кам, чунки одатда, амалиётда аутизмнинг алоҳида қирраларигина хос бўлган болаларга дуч келамиз.

Бироқ келтириб ўтилган қийинчиликлар бизни болалар боғчасида ёки мактаб синфида АСБ бўлган болаларни аниқлаш каби мураккаб жараёндан озод этмайди. Шубҳасиз, ташхисни фақатгина шифокор қўйиши мумкин. Муаллимнинг вазифаси эса – бундай болани аниқлаб, болалар жамоасига мослашишига ёрдам бериш ва мутахассислар кўриги ҳамда назоратига йўллашдан иборат. Амалиётимизда мактабга чиқиш вақтидагина “аутизм” муаммоси бор фарзандлари ҳақида қайғуриб, шифокорга мурожаат этган ота-оналар ҳам учраган. Агарда муаллимлар бу муаммони вақтлироқ аниқлаб, ота-оналарга мутахассисга мурожаат этишларини маслаҳат берганларида эди, эҳтимол, болаларнинг мактабдаги таълимга мослашиши биров осонроқ кечган бўлар эди.

Афсуски муаллимнинг болалар билан ишлаш дастури захирасида, АСБ бўлган болаларни аниқлаш бўйича махсус ишланмалар деярли мавжуд эмас. Бундай вақтда болалар билан мулоқотга киришиш бўйича мавжуд шахсий тажриба, сабр-тоқат ва кузатишни била олиш каби шахсий хусусиятлар энг яхши ёрдамчи сифатида хизмат қилади.

Боладаги аутизм белгиларини аниқлаш бўйича олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналишлари қуйидаги 7-жадвалда келтириб ўтилган маълумотларни аниқлашда ёрдам беради. Меъёردа ривожланаётган ва АСБ бўлган болаларнинг ривожланиши тавсифи белгиялик психологлар К. Гилберг ва Т.Питерснинг китобидан олинган. Бироқ, бизнинг фикримизча, мазкур маълумотлар тўлалигича қабул қилиниши шарт эмас. Бу фақатгина болалар билан олиб борилиши лозим бўлган иш йўналишини ўзида акс эттирган схемадир, халос.

АСБ бўлган болага қандай қилиб ёрдам бериш мумкин

Коррекцион иш ҳақида сўз очишдан олдин, қуйидаги шарҳни бериб ўтиш жоиз, деб биламиз: бизнинг амалиётимизда “классик аутизм”ли болалар камдан-кам учрайди. Лекин кўпгина ҳолларда алоҳида аутистик белгили болалар билан биргаликда ишлаш вазиятларига кўп дуч келганимиз сабабли, кейинги саҳифаларда билдирадиган фикрларимиз, айнан “классик аутизм” ҳақида эмас, кейинги тавсифдаги аутизм ҳақида боради. Бундай болалар билан ишлашнинг баъзи бир усуллари борасида тўхталиб ўтамиз. Бу усуллар амалиётда текширилиб, қўлланилиб кўрилган ва ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Албатта, ҳар бир аутистик бола билан учрашув, ўзича ноёб ҳодисадир. Бироқ, аутист болалар ривожланиши қонуниятларини билган ва захирада бундай болалар билан ишлаш усулларига эга бўлган ҳолда ҳар доим – ҳатто мураккаб ва кутилмаган вазиятларда ҳам, уларга мос келадиган “калит”ни танлаб, муаммони ҳал этиш имконига эга бўлиш мумкин.

1-жадвал. Меъёردаги ривожланишга эга ва аутизм белгилари мавжуд болаларнинг ривожланишининг қиёсий тавсифи

Ёши	Қиёсланилаётган кўрсаткичлар	Меъёردаги ривожланиш	Аутизм ҳолатидаги ривожланиш
2 ёш	Нутқ	Етарлича сўз бойлигига эга, оддий гап туза олади	Сўз бойлиги 15 та сўздан камроқ
	Тенгдошлар ва катталар билан ўзаро фаолиятга киришиш	Ҳамкорликдаги ўйинга ўхшаш ҳаракатлар намоён бўлади (“Тутиб, ушлаб ол” қабалида)	Ҳамкорликдаги ўйин фаолиятига интилиш мавжуд эмас. Ёлғизликни маъқул кўради
	Ўйин	Ўйинчоқлар билан ўйнайди, қўғирчоқни овқатлантиради	Қўғирчоқларни нотабиий равишда ишлатади
3 ёш	Нутқ	Сўзлар бирлигини фаол тарзда ишлатади	Сўзлар бирлигини камдан-кам ишлатади

	Тенгдошлар ва катталар билан ўзаро фаолиятга киришиш	Тенгдошлари билан ўзаро фаолиятга киришишга ўрганади, катталарга ёрдам беришни яхши кўради	Бошқа болаларни ўзига яқинлаштирмайди
	Ўйин	Символик ўйинларни ўйнай олади (Масалан, кубикни машинадек тасаввур қилиб, ўйнай олади)	Символик ўйинларни ўйнай олмайди
4 ёш	Нутқ	Сухбат мавзусини илғаб янги маълумотларни киритиб, гапга қўшилиб кета олади	Ижодкорлик билан фақат 2-3 та сўздан иборат бўлган сўзлар бирикмасини туза олиши мумкин
	Тенгдошлар ва катталар билан ўзаро фаолиятга киришиш	Ўйиндаги ролларни тенгдошлари ўртасида тақсимлай олади	Ўйин қоидаларини тушуна олмайди
	Ўйин	Пантомимикалардан фойдаланган ҳолда ролли ва ҳаёлий нарсали ўйинларни ўйнай олади (масалан, кўғирчоғига ҳаёлидаги чойнақдан чой қуйиб беради	Предметларни фақат нима учун ишлатилса, шунинг учунгина ишлатади. Агар кўғирчоқлар билан ўйнаётган бўлса, фақат етакчи шахс ролини ўйнаши мумкин

Аввало, бошқа болалар билан ишланганидек, “боланинг кетидан бориш” керак. Ҳар бир ўтиладиган машғулотнинг ташкиллаштирилишига уддабуронлик билан ёндашиш лозим. Бундан ташқари қатъий бир тартибга риоя қилган ҳолда ҳодисаларни тезлаштирмасдан босқичма-босқич иш юритиш лозим ва ҳар доим АСБ бўлган бола билан олиб бориладиган иш – бу нозик, ҳатто хушмуомалаликни ва сабр-тоқатлиликини ҳамда сезиларли узоқ вақт давом эттириладиган ишни талаб қиладиган жараён эканлигини унутмаслик лозим. К. Салибанинг фикрича, психотерапевт В. Оклендернинг издошлари, бундай бола билан

ишлашда ижобий натижаларга эришиш учун у билан ишлаётган катта ёшдагилардан энг аввало, уддабуронлик талаб этилади. Асло болани катталар томондан режаштирилган ишни бажаришга мажбурлаш керак эмас, яхшиси боланинг қизиқиш ва интилишларига қараб ҳаракат қилиш керак. В. Оклендер издош психологлардан бирининг амалиётидан қуйидагича лавҳани хотирлайди: “Шон (5 ёш) атрофдагиларнинг машғулоти ўтишга чақиришларига сира эътибор ҳам бермай, бўй баста билан кўзгунинг олдида турар эди. Шунда унинг ўзи боланинг олдида келди, кўзгунинг олдида ўтириб, бирон-бир сўз айтмай, боланинг юзига термулганча, юзини пайпаслашини жимгина ўтириб кузатиб турди. Бирданига бола кўзгуда психологнинг ҳам аксини кўриб қолди. Бу болани ҳайрон қолдирди ва бола бундай “янгиликдан” ҳайратга тушди. 20 дақиқа давомида К. Салиба бирон-бир сўз ҳам демай, ҳатто ҳеч қандай буйруқ ҳам бермай, олдида жимгина ўтирди. Кейин у боланинг кўзгуга қараб ўз юзининг қисмларини кўрсатиши баробарида ҳар бирининг номини айтиб турди, бола оғзини кўрсатганда эса, психолог индамай турди. Бола кўзгудаги психологнинг у кўрсатаётган юз қисмининг номини айтишини кутиб турди-да, кейин “Оғиз!” деб хайқилиб юборди (1997, 283-б.). Шундай усулдан фойдалана олиш, болани кўпгина нарсаларга ўргатиши мумкин.

Ҳар қандай бола билан ва умуман, АСБ бўлган бола билан олиб бориладиган коррекцион иш психиатр, невропатолог, психолог, логопед, мусиқа ходими каби бир қатор мутахассислар ва ота-она ҳамжиҳатлигида комплекс тарзда амалга оширилгандагина ўз самарасини бериши мумкин. Мутахассислар ва ота-оналар томонидан олиб бориладиган иш бир тамойил ва битта дастур йўналишида олиб борилиши шарт.

Болага қабул қилиш учун қандай дорилар ва қайси сабаб билан тавсия этилганини билган ҳолда муаллим ва психологлар ота-она билан биргаликда аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда болани кузатиб боришлари зарур. Шифокор заруриятга қараб боланинг даволаниш тарзини ўзгартириб бориши учун бола хулқидаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар намоён бўлиши билан бу ҳақида мутахассисни хабардор қилиб туриш лозим.

Муаллим ва психологлар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан умумий мақсад, яъни болани болалар боғчаси ёки мактаб шароитига мослашишига эришишга ҳаракат қиладилар. Улар

биргаликда бола ривожланишининг индивидуал дастурини ишлаб чиқадилар. Муаллим аутист болалар ривожланишининг умумқонуниятларини инобатга олган ҳолда аниқ бир таълимий вазифаларни белгилайди, вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Болани кузатиш жараёнида тарбиячи ёки ўқитувчи юзага келаётган масалалар бўйича психолог билан маслаҳатлашиб туриши мумкин. Масалан: “Қандай қилиб болага қўрқувлардан озод бўлиши учун ёрдам бериш мумкин?”, “Болада ўзгаларга ва ўзига нисбатан намоён бўлаётган жаҳл намуналарига қандай муносабатда бўлиш мумкин?” каби саволлар.

Таълим мауссасасига қатнайдиган бола вақтининг каттагина қисмини муаллимнинг олдида ўтказди. Шунинг учун АСБ бўлган боланинг тенгдошлари ва катталар билан мулоқотини шакллантиришда ўқитувчи ва тарбиячининг роли катта аҳамиятга эга. Болага ҳақиқатда ҳам ёрдам бериш учун доимо бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз умидсиз кетмаслигига қатъий ишонишимиз керак бўлади. Албатта, биз ташхисни олиб ташлашга эриша олмаймиз, бироқ биз кўп нарсаларга эришишимиз – болани тушунишга, боланинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳамда унинг ташқи оламга мослашишига ёрдам беришимиз мумкин.

РФнинг Ломоносов шаҳридаги “Ишонч” номли ППМС-Маркази дефектологи Г.Д. Черепанова АСБ бўлган болалар билан ишлаш борасида катта тажрибага эга. Шунинг учун ҳам у бундай коррекцион фаолиятнинг зарурлигига қатъиян ишонади. Унинг баъзи тарбияланувчилари узок вақт давом этган коррекцион машғулотлардан сўнг умумтаълим мактабларида самарали таълим олмоқдалар. Улар нафақат таълим олиш қобилиятини ўзлаштирадилар, балки ўқитувчи ва ўқувчилар билан ўзаро фаолиятга киришишга кўникадилар. Баъзи бир болалар ўқишларида катта ютуқларга эришиш имконига эга бўладилар. Улар орасида ҳатто “аълочилар” ҳам бор. Бу эса боланинг ўз ўқитувчилари билан мулоқот ўрната олгани ва ўз билимларини намоён қила олганидан далолат беради. Албатта, бу каби ютуқларга эришиш учун ҳар куни болалар билан мақсадга интилган ҳолда ва сабр-тоқат билан ишлаш зарур. Бу иш эса бир йил эмас, балки кўп йиллар давом этиши мумкин. АСБ бўлган бола билан ишлаётган катталар ҳам четлаб ўтишнинг иложи бўлмаган ва муқаррар бўлган кўнгилсизликлар, хафсаласининг пир бўлиши билан боғлиқ нохушликлардан хафа

бўлмасликка ҳамда бир қараганда арзимаган бўлса ҳам кутилмаганда намоён бўладиган ютуқлардан хурсанд бўлишга ўрганишлари лозим.

Муаллимнинг асосий вазифаси –болани индивидуал ва ҳамкорликдаги фаолиятга жалб қилишдан иборат. Шу мақсадда бола билан ишлаётганда унинг ҳиссий ва ақлий тажрибасини бойитиш учун иложи бориचा кўпроқ ҳамкорликка жалб этадиган турли иш шакллари ва усуллари қўллашга ҳаракат қилиш лозим. Коррекцион ишни нимадан бошлаш кераклигини тушуниш учун етакчи йўналишларни аниқлаб олиш зарур: нутқнинг ривожланиши; ижтимоий ўзаро фаолиятга киришиш кўникмаларини; хаёлни шакллантириш. Қайси йўналишни аниқлаш, ўз ўрнида, боланинг аниқ эҳтиёжларига боғлиқ бўлади. Бир вазиятда биринчи галда болани ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларига ўргатиш лозим бўлса, бошқа ҳолатда боладаги хавотирланувчанлик даражасини тушириш, кўркувни енгишга қаратилган ишларни олиб боришни, дастлабки мулоқотни ўрнатиш, ижобий ҳиссий муҳитни ҳамда самарали машғулотларни ташкиллаштириш учун қулай психологик шароитни яратиш талаб этилади. Ишнинг дастлабки босқичларида муаллим эътиборни боланинг ўқув материални ўзлаштиришига эмас, балки ўқув жараёнини шакллантиришга нисбатан хоҳиш-истагини уйғотишга қаратиши муҳимроқдир.


Агарда амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият аниқ тартибда дастурлаштирилсагина АСБ бўлган болалар учун унинг моҳиятини тушуниш осон бўлади: болалар биринчи ўринда нима қилиш кераклигини аниқ тушунишлари, ҳаракатларнинг кетма-кетликда бажарилиш тартибини, қандай қилиб тугаллаш кераклигини яхши фарҳмлай олишлари керак. Масалан, жисмоний тарбия машғулоти вақтида улар айлана бўйлаб нима учун ва қанча вақт давомида югуриш кераклигини тушуна олмайдилар. Лекин агар залнинг полида бир неча ўйинчоқларни сочиб қўйиб, аниқ бир топшириқ, масалан, ҳар гал ўйинчоқларни олдиан югуриб ўтаётганда улардан бирини қўлига олиб, саватга ташлаб кетиши кераклиги тушунтириб бериладиган бўлса, шунда уларнинг фаолиятлари англанилган бўлиши мумкин. Барча предметлар йиғиб олингач, югуришдан юришга ўтиш ва яна бир айлана бўйлаб юриб ўтилгач эса ўтириш кераклигининг аниқ қилиб тушунтирилиши ва заруриятда эслатиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, бола ўз хатти-ҳаракатлари режасини кўриб, бунинг

натижасида ўзида хотиржамликни ҳис қила бошлайди. Бу тариқа англанганликка ҳар қандай топшириқнинг бажарилиши жараёнида эришиш керак. Бола ҳар доим у ёки бу топшириқни нима учун бажараётганини яхши тушуниши керак.


Бу мақсадда АСБ бўлган бола билан шуғулланиладиган хонада бола бажариши керак бўлган ҳаракатларнинг аниқ тартибдаги мазмунли тасвири акс эттирилган операцион карталарни жойлаштириш мумкин. Масалан, сайрга чиқиш вақтида тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ҳаракатлар тартибини шкафчага чизиб тасвирлаб қўйиш мумкин.

Бундай карталарга мисол қилиб, масалан, “Киндер-сюрприз” тўпламидан чиқадиган ўйинчоқларни йиғиш бўйича йўриқномани келтиришимиз мумкин. Биз болалар боғчаси тарбиячилари томонидан болаларнинг турли фаолиятлари ва кун тартибини ташкиллаштириш учун махсус тайёрланган шунга ўхшаш қўлланмалардан намуналарни келтириб ўтамиз (6,7 расмлар).

АСБ бўлган болалар турли хил мозаик ўйинли топшириқларни, жумбоқли машқларни бажонидил бажарадилар. Улар бундай болаларнинг тушунишлари учун осон ва қулайдирлар. Схема бўйича ишлаб, болалар эгалланилиши керак бўлган якуний натижани кўра олиш имконига эга бўладилар.



1-расм. “Тушлик” учун карталар



2-расм. “Сайрга тайёргарлик” кўриш учун карталар

Мулоқотда бузилишларга эга бўлган болалар, одатда, коллекция билан, яъни нарсаларни йиғиш билан шуғулланишни

ёқтирадилар. Шунинг учун уларни нарсаларни йиғиш билан боғлиқ ишларга жалб этиш мумкин ва шартдир. Улар масалан қаламларни рангига қараб, кубикларни ҳажмига қараб, қирқиб олинган шаклларни ўхшашига қараб жойлаштириб чиқишда тарбиячининг беқиёс ёрдамчиси бўла олишлари мумкин. Мактабда бундай болаларни гербарийларни яратиш ва ажратиб чиқиш, ўхшаш тошларни, чиғаноқларни, расмларни жамлаш ишига жалб этиш мумкин. Улар ҳар кунги ёзув-кузатувларни юритишни, яъни тирик бурчакдаги ҳайвонларнинг ривожланишини, яшаш тарзини ёзиб бориш ишини уддалай оладилар (лекин ишнинг биринчи босқичларида эмас).

АСБ бўлган бола ўз танасини қийинчиликлар билан англайди. Унда фазовий мўлжал олиш имконияти бузилган бўлиши мумкин. Шунинг учун гуруҳ хонасида боланинг бўйи баробар бир неча кўзгуларнинг жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Вақти-вақти билан тарбиячи ёки ўқитувчи боланинг диққатини ўзининг аксига жалб этиб туриши мумкин. Юқорида тавсифлаб ўтилган ушбу усулдан тўғри фойдалана билиш ижобий натижаларга эришишда катта ёрдам беради.

Мисол: Абдулла А. умумий ўрта таълим мактабининг иккинчи синфида ўқийди. Унинг омади бор экан: ўқитувчиси уни тушуниб, боланинг заррача бўлса ҳам атрофдагилар билан муомала ўрнатишга нисбатан уринишини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Абдулла баъзан ёлғиз қолганида шеърларни ёд олади. Синф журналидаги Абдулла олган баҳоларнинг аксарияти унинг ёзма ишлари учун қўйилган. Бола эндиликда бутун бир дарс машғулоти давомида стол ёнида ўтиришга ўрганди ва ўқитувчининг баъзи бир топшириқларини бажаришга одатланди. Лекин танаффусга чиқиш учун чалинган кўнғироқ садосидан Абдулла чўчиб, чинқириб йиғлай бошлайди. Бу албатта, тушунарли ҳолдир: у бошқа болаларнинг унга қитмирлик қилиб, тегажоқлик қилишларига бутунлай тоқат қила олмайди, танаффус вақтида эса бола ана шундай вазиятга тушиб қолади. 10 дақиқалик танаффус Абдулла учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам даҳшатга айланади.

Бугун эса барчаси ўзгача кечди. Абдулла энди йиғлай бошлаганида ўқитувчи унинг қўлидан ушлаб, кўзгунинг олдида етаклаб борди. Бола йиғлашда давом этар, лекин йиғиси энди у қадар баланд эмас эди. Аввал у ўзининг ойнадаги аксини томоша қилди, кейин эса юзидан сизиб оқаётган кўз ёшларини кўриб,

ушлаб кўрди, хўл бўлган бармоғига тикилиб, яна бошқа кўз ёшини сидириб ташлади. Натижада ўзи учун янги ўйин ўйлаб топди: кейинги кўз ёши томчиси энди оқиб келаётганда у қўллари билан айлана ҳаракатлар қилиб, юзлари бўйича суртиб ташлади. “Кўз ёши ови” бутун танаффус тугагунгача давом этди. Танаффус сўнггида эса бола йиғи аралаш куларди. Дарсга энди у хотиржам бўлиб кириб кетди. Шу кундан бошлаб Абдулла танаффус учун қўнғироқ чалинганда йиғламасдан, секингина бориб кўзгу олдига туриб оладиган бўлди. “Сеҳрли кўзгу”дан фойдаланиш имкониятини сезган ўқитувчи ҳам танаффус вақтида босқичма-босқич коррекцион ишларни олиб борадиган бўлди. Бир неча ҳафталардан сўнг бола муаллим билан мулоқот ўрнатишга тайёр бўлиб, кўзгунинг ёрдамисиз ҳам топшириқларни бажаришга ўрганди.

Болалар боғчасида самарали тарзда қўлланиладиган машқ болага ўз танасини яхшироқ англашга ёрдам беради. Болани катта оқ қоғоз варағига ётқизиб, муаллим ёки гуруҳ болаларидан бири унинг танаси шаклини чизади, кейин эса тана ва ажратиб чиқилган (болалар билан биргаликда) кийими қисмларининг номини айтиб туриб, ҳар бир қисмни алоҳида рангларга бўяб чиқадилар.

Болада тери-туйиш идроки, кўриш идроки, ҳид ажратиш идрокини ривожлантириш мақсадида “Сеҳрли копток”, “Нарсанинг нималигини топ” каби ўйинларни қўллаш мумкин. Кўзлари юмук ҳолида қўллари билан пайпаслаганча нарсаларни фарқлаш, катта-кичиклигига қараб бир-бирининг устига тахлаш каби ўйинларни таклиф қилиш фойдалидир (бунда Монтессори рамкаларидан фойдаланиш ҳам мумкин).

АСБ бўлган болалар билан иш олиб боришнинг дастлабки босқичларида уларга қатъий тартиб-қоидали ва узвий кетма-кетликка эга бўлган ўйинларни таклиф қилиш тавсия этилади. Дастлабки босқичдаги мақсадга эришилгандан сўнггина диалогли нутқ талаб этиладиган сюжетли-ролли ўйинларни таклиф қилиш мумкин. Кўникмаларни мустаҳкам эгаллаш учун ҳар бир ўйинни бир неча ўн маротабалаб ўйнаш зарур. Шундагина бу ўйин бундай тоифадаги болалар ёқтирадиган одатий ҳолга айланиши мумкин. Ўйин давомида тарбиячи бўлиб ўтаётган барча ҳодисаларни аниқ сўзлар билан гапириб, доимо ўзининг ва боланинг ҳаракатларини шарҳлаб туриши керак. Лекин бунда муаллим боланинг сўзларга сира ҳам эътибор бермаётганлигидан саросимага тушиб, эсанкираб қолмаслиги лозим. Сира хафа бўлманг: битта ўйиннинг ўзини

қайта-қайта ўйнайвериш, ҳар бир сўзни қайта такрорлайвериш ўз самарасини беради, – бола умумий фаолиятга қўшилиб олиши мумкин.

Мисол. Дониёр ҳеч ҳам гуруҳий ўйинда иштирок этишни истамас эди. Одатда у четда туриб, болаларнинг ҳаракатларини бефарқлик билан кузатиб турар эди. Бир куни биз болалар билан “Шерлар ови” ўйинини ўйнаётганимизда Дониёр бизнинг олдимизга бироз яқинлашди. Кейин эса барча учун кутилмаганда айлана марказига туриб олди. У ўйин етакловчиси томонидан “тутиб олинганда”, бола секингина айлана ташқарисига чиқиб, бундан олдин болалар қандай қилаётган бўлсалар, шу тариқа ўйинни “етаклашга” тайёрланди. Бир неча сониялардан сўнг эса Дониёр овозини чиқариб, 10 гача санай бошлади! Бу боланинг бир неча ойдан буён болалар боғчасига қатнаши давомида илк бор болалар ва катта ёшдаги тарбиячиси олдида қилган “чиқиши” эди. Бундай катта аҳамиятга эга бўлган кунга қадар биз бола билан карточка ва турли имо-ишоралар ёрдамида сўзлашишга мажбур эдик.

Болага ишлаётган жойига “мослашиб олиши” учун стол ёки партага ручка, чизғич, дафтарларнинг шакли туширилган шартли белгиларни қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунда бола ўз партасига осонлик билан кўника бошлайди. Бу боладан нималар талаб қилинишини қийинчиликларсиз англаб олишига ёрдам беради.

Агар бола чиройли ёзиш намунасини машқ қилаётган бўлса, унга стрелкалар ёрдамида қўллар ҳаракати йўналишини кўрсатиб туриш мумкин. АСБ бўлган болаларга предметни бутунлай чизишни эмас, балки унинг қайсидир қисмини фарқлаб, давом эттириш талаб этиладиган график топшириқларни бериш тавсия этилади.

Боланинг таълим олишга нисбатан мотивациясини ошириш ва суҳбат қуришга эҳтиёжини уйғотиш учун тарбиячи машғулотни ўтказиш вақтида бола билан ролларни алмашишни таклиф қилиш мумкин. Бола “ҳеч нарсани тушунмайдиган” ёши катта одамга, у ёки бу топшириқни қандай қилиб бажариш кераклигини тушунтириб берсин. Бундай вазиятда у ўзининг аҳамиятлилигини (мен – катталардек!) ҳис қилади, ўз ҳаракатлари (ёши катта одам барча тушунтириб берганларини яхшилаб “тушуниб олиши” ва барчасини тўғри бажара олиши учун) мақсадини яхшироқ тушуна бошлайди. Шунинг натижасида, бола шериги билан мулоқот

ўрнатиш учун сўзнинг нақадар аҳамиятга эга эканлигини ҳамда аксинча, сўз билангина алоқа ўрната олишини англай бошлайди.

Баъзан АСБ бўлган болаларга қайсидир хатти-ҳаракатни ташкиллаштиришда жисмоний ёрдам кўрсатиш зарур бўлади: тарбиячи худди боланинг қўллари билан ишлаётгандек, биргаликда қаламни ушлаб туриб ёзади, чизади.

Шуни унутмаслик жоизки, тери туйиш сезгисига асосланган алоқа, шунингдек мускулларни бўшаштиришга хизмат қиладиган машқлар боладаги хавотирланувчанлик даражасининг пасайишига имкон беради. Шунинг учун биз “Хавотирланувчан болалар” бўлимида тавсия қиладиган баъзи бир релаксацион ўйинлар, АСБ бўлган болалар билан ишлаш мобайнида ҳам фойдали бўлади. Шу мақсадда бармоқ ўйинидан ҳам фойдаланиш мумкин.

АСБ бўлган болаларга ҳар қандай фаолият турини ўзлаштириш қийинчилик уйғотади, бироқ улар ҳар доим барча нарсани яхшироқ бажаришга интиладилар, шунинг учун иш олиб боришнинг дастлабки босқичларида, албатта, улар уддалай оладиган топшириқларни танлаш жоиз. Сизнинг ёрдамингиз ва мақтов, олқишларингиз боланинг муваффақиятларини мустаҳкамлаши ҳамда боланинг ўзига нисбатан ишончини ошириши мумкин. Ҳатто бола сизнинг сўзларингизга нисбатан ташқи аломатлар билан миннатдор бўлмаслиги мумкин. лекин меҳрибон, илиқ оҳанг ва қўллаб-қувватловчи сўзлар вақт ўтиб бола билан ўзаро ҳамкорлигингизни тобора самаралироқ кечишини таъминловчи ижобий хиссиётларни уйғотиши мумкин.

АСБ бўлган болаларга руҳан толиқувчанлик хос бўлиб, улар тезгина жисмонан ҳам толиқиб қоладилар. Шунинг учун уларга ишнинг индивидуал тарзи зарур бўлиб, унинг диққатини бир фаолият туридан иккинчи фаолият турига кўчириш шароитларининг яратилиши муҳимдир. АСБ бўлган бола билан уйда ишлаб, таълим бераётган бошланғич таълим ўқитувчисининг кузатишича, бундай бола бир фаолият турини чалғимасдан 10 дақиқа давомидагина бажара олган. Зеро, у бола билан индивидуал тартибда ишлаган. Болалар боғчасида бу муаммони осонликча ҳал этиш мумкин: болага қурби етмайдиган топшириқларни бериш керак эмас. Мактабда эса ўқитувчи болада толиқиш аломатлари кузатилганда ёки унда норозилик аломатлари пайдо бўлаётганда бериши кўзда тутиладиган карточкаларни олдиндан ўйлаб топиб, унга индивидуал топшириқларни ёзиб қўйиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, АСБ бўлган болаларга мақсадсиз монотон (бир хил) тартибдаги ҳаракатлар, тебранишлар хосдир. Уларни стереотип ритмлардан чалғитиш учун ҳиссиётларга бой ритмик ўйинлар ва рақсона ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин.

Доимий тартибдаги машғулотлар ҳаракатлардаги бузилишларнинг камайишига имкон беради.

Агарда бола сиз унга таклиф қилаётган талаб ва йўриқномаларни қабул қилмаса, болани уларни бажаришга мутлақо мажбурламанг. Яхшиси нимани қандай қилиб ўзи бажаргиси келаётганига яхшилаб эътибор қаратинг, у учун нима қизиқ бўлса, шуни бажаришига кўмаклашинг. Бу бола билан алоқа ўрнатиб олишингизга ёрдам беради.

Психологлар АСБ бўлган болаларга чет тиллари билан шуғулланишни тавсия этадилар. Эҳтимол, муаллимларнинг катта миқдордаги схема ва гапларни тузишда алгоритмлардан фойдаланган бўлганлиги учун ҳам бундай болалар ўқув материални осонроқ ўзлаштирадилар.

Мисол. Фиёсиддинга бир неча йиллар олдин “аутизм” ташхиси қўйилган. Бундан ташқари, унда аклий ривожланишида ҳам сезиларли оғишишлар кузатилмоқда. Фиёсиддин бажонидил инглиз тили билан шуғулланади. Бироқ бунда, ўз она тилида гапириш бирмунча қийинчиликлар билан кечади. У берилган саволга зўрға бир сўз билан жавоб бериши мумкин, лекин ўзи суҳбатга сира киришмайди. Бироқ инглиз тилини жуда катта қизиқишлар билан ўрганмоқда. Бир неча ой ичида у оддий гапларни тузиш алгоритмини ўзлаштириб олди. Болага уларни оғзаки тарзда баён этиш жуда ҳам ёқади. Яна уни машғулотларга жалб этаётган сабаблардан бири – бу яқин кишиларнинг боланинг қизиқишларига алоҳида эътибор бераётганликлари ва унинг эришган ютуқларидан ғурурланиб, хайратга тушаётганликларидир. Эҳтимол, бу болага ахийри ўзини муваффақиятли ва атрофдагилар учун аҳамиятли деб ҳис қилиши учун имкон бергандир.

АСБ бўлган болалар билан жисмоний машқларни бажариш зарур, чунки бундай машғулотлар болага ўз танасини яхшироқ ҳис этишга ва ҳаракатлари координациясининг яхшиланишига имкон яратади.

Рангли бўёқлар (мўйқалам, штамплар ва айникса бармоқлар) билан чизиш болаларнинг мускулларидаги ортиқча зўриқишни

енгишга ёрдам беради. Бу мақсадда шунингдек, қум, лой, тарик, мош ва сув билан ишлаш фойдалидир.

АСБ бўлган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш

АСБ бўлган болаларнинг ота-оналари кўпинча боланинг ривожланишдан орқада қолишидан ва унинг хулқи барча учун аён бўлганидан сўнггина мутахассисларга мурожаат этадилар. Қатъий бир ташхис қўйгунга қадар эса, баъзан бир йил вақт ҳам ўтиши мумкин. Бундай ваҳимали ва улар учун нотаниш бўлган хулосани эшитгач эса, кўпгина ота-оналар эсанкираб, саросимага тушиб қоладилар. Справочник-маълумотномаларга разм солгач улар, ўзларини бутунлай “йўқотадилар”. Чунки на ўзлари учун тинчлантирадиган бирон-бир маълумот топа оладилар, на улар фикрини “тўзғитиб юборган” энг долзарб саволларга ҳам жавоб топа биладилар. Баъзи бир қўлланма ёки нашрларда аутизм боладаги истеъдод билан деярли тенг қўйилса, бошқаларида — шизофренияга яқинлаштирилади. Бундан ташқари, баъзи бир мақолаларда АСБ бўлган болалар, одатда, ота-онаси юксак ақл-идроққа ва юқори савиядаги ижтимоий мақомга эга бўлган оилаларда пайдо бўлади, деган фикрларни ҳам ўқиб қолиш мумкин. Гарчи бундай нуқтаи назар кўп вақтлардан буён мутахассислар томонидан рад этилаётган бўлсада, беҳосдан аутизмнинг келиб чиқиш сабабларининг шундай тушунтирилишига дуч келган ота-оналар узоқ вақт мобайнида боланинг олдида ҳам, жамиятнинг олдида ҳам ўзларини айбдордек ҳис қилиб юрадилар.

Энг асосийси, бундай ташхисни эшитгач, кўпгина ота ва оналар фарзандларига қандай қилиб ёрдам бериш мумкинлигини билмай, ўзларини ожиз ва ҳимоя қила олмайдигандек ҳис этадилар. Шунинг учун бундай тоифадаги болалар ота-оналари билан ишлаш мобайнида умуман аутизм муаммосига эга бўлган болаларнинг ва қисман улар фарзандларининг ҳам психологик ривожланиши хусусиятлари билан таништириб бориш зарур. Ота-оналар фарзанди бошқа болалардан қайси аниқ бир жиҳати билан фарқланишини тушунгач ва боланинг “кучли” ҳамда “ожиз” томонларини кўргач, психолог, муаллим билан ҳамкорликда болага нисбатан қўйилиши керак бўлган талаблар даражасини аниқлашлари, у билан ишлашнинг асосий йўналишлари ва шакллари танлаб олишлари мумкин.

Ота-оналар фарзандларининг бу дунёда яшашлари жуда ҳам қийинлигини тушунишлари ва сабр-тоқат билан уни кузатиб, уларнинг ҳар бир сўзи ва хатти-ҳаракати, ҳар бир ишорасини пайқаб, уларни овоз чиқарган ҳолда таҳлил этиши ва шарҳлаб бориши лозим. Бу “кичкина одамчанинг” ички дунёсини кенгайтиришга ёрдам беради ва унда фикрлари, ҳис-туйғу ҳамда ҳиссиётларини ўз сўзлари билан ифодалаш зарурияти пайдо бўлишига туртки бўлади. Бундан ташқари, ота-оналар фарзандларининг кўнгли жуда ҳам нозиклигини тушунишлари лозим. Катталар томонидан билмай айтилган исталган сўз “ҳиссиётларининг портлаши”га сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ота-оналар болалар билан доимо эҳтиёткорлик ва мулоқимлик билан муомалада бўлишлари керак.

Ташқаридан қараганда АСБ бўлган бола кўпинча унинг атрофидаги инсонларга деярли ҳеч қандай муносабат билдирмайдилар У ўзини шундай тутадик, гўёки у фақат бир ўзидек, ёки ҳеч бўлмаганда, бола ёки катталарнинг “олдида” тургандек, лекин шу билан бирга улар билан ҳам бирга эмасдек. Бундай бола ўз ички дунёсига ҳеч кимни яқинлаштирмайди. Баъзан фақат боладан беҳос чиққан сўздан, бир онлик ҳаракат ёки товушидан унинг кечинмалари, истак ва кўрқувлари ҳақида хабардор бўлишингиз мумкин. Албатта, ҳатто энг меҳрибон ва зийрак тарбиячи ёки ўқитувчи ҳам, ҳар доим аниқ бир мақсадга қаратилган кузатувни олиб бориш имкониятига эга бўла олмайди. Шунинг учун ҳам болани яхшироқ тушуниш учун ва болалар жамоасига мослашишига имкон бера оладиган ёрдам бера олиш учун муаллим ота-оналар билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Бола билан ҳиссий алоқани ўрнатиш ва унда ижтимоий ҳуқуқ-атвор кўникмаларини эгаллаш ҳиссини уйғотиш учун уй муҳитидаги ўқув шароити ёрдам бера олиши мумкин. Яхшиси болани тиззангизга ўтказган ҳолда бирон-бир қизиқарли нарсга ўқиб беринг (тери-туйиш сезгисига асосланган тактил алоқа ота-онанинг бола билан муносабати мустаҳкамланишига катта ёрдам беради). Бунда, айниқса, бидий қаҳрамонларнинг образини секин, шопмасдан, тўхтаб, ҳиссиётларга берилиб ўқиб бериш мақсадга мувофиқдир. Китобни бир маротаба эмас, балки кўп маротаба ўқиб, муҳокама қилиш яхшироқдир. Бу болага ўзи ва бошқаларни яхшироқ тушунишга ўрганишига ёрдам беради. Қайта ҳосил

бўлаётган мулоқот одатлари эса боладаги хавотирланувчанликнинг пасайишига ёрдам бериб, ўзига ишончининг ошиши учун қулай имконият яратади.

Агар бола жуда ҳам кичкина бўлса, иложи борица кўпроқ қўлга олиб, бағрига босиш, уни силаб-сийпалаб (дастлабки вақтларида ҳатто қаршилик кўрсатаётган бўлса ҳам) унга майин ва ёқимли сўзларни айтиш керак.

Муаллимларнинг ота-оналар билан мулоқотини мустаҳкамлаш ва болага янада самаралироқ ёрдам кўрсатиш учун боланинг яқинлари бола қатнайдиغان синф ёки болалар боғчасидаги у тарбияланадиган гуруҳга имкон қадар тез-тез ташриф буюриб туришлари мақсадга мувофиқдир. АСБ бўлган болаларга ўрганган муҳитининг ўзгаришидан, яқинларидан ажралиш хавфидан қўрқиш ҳолати хос бўлганлиги сабабли мактабдаги таълим бошланишининг дастлабки даврларида унинг онаси (ёки отаси, буви, буваси) танаффус вақтларида, баъзи вазиятларда эса дарс давомида ҳам ёнида бўлиб туришлари мақсадга мувофиқдир.

Ота-оналар фарзандлари билан шуғулланаётганларида муаллимлар учун тавсия этиладиган индивидуал ўйинлардан фойдаланишлари ҳам мумкин.

АСБ бўлган болалар билан ишлаш давомида, муаллим ва ота-оналар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан болаларда хаёлни ривожлантиришлари мумкин, тенгдошлари билан мулоқотга кириша олишнинг турли воситаларига ўргата олишлари мумкин, демак, болани теvarак-атрофдаги шароитларга мослаштира олишга эришишлари ҳам мумкин.

Катталар учун эслатма ёки АСБ бўлган болалар билан иш олиб бориш қоидалари

1. Болаларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш.
2. Боланинг қизиқишларидан келиб чиқиб ёндашиш.
3. Боланинг аниқ бир кун тартиби ва ҳаёт тарзига амал қилиш.
4. Кундалик одатларига амал қилиш (улар боланинг хотиржамлигини таъминлайди).
5. Боланинг ҳис қилаётган ноқулайликлари ҳақида заррача бўлса ҳам маълумот берувчи сўзли ва сўзсиз ишораларини пайқашга ўрганиш.

6. Бола шуғулланаётган хонада ёки синфда кўпроқ иштирок этиш.

7. Бола билан иложи борица кўпроқ гаплашишга ҳаракат қилиш.

8. Мулоқот ўрнатиш, муносабатга киришиш ва таълим олиш учун қулай шароит яратиш.

9. Сабр-тоқат билан болага аниқ кўргазмали маълумотлардан (схема, турли чизмалар, карта ва ш.к.) фойдаланган ҳолда унинг фаолияти мазмунини тушунтириш.

10. Болани толиқтириб қўймасликка ҳаракат қилиш.

АСБ бўлган болалар билан қандай ўйнаш керак

АСБ бўлган болалар билан ишлаётганда коррекцион жараён узок вақт мобайнида давом этишини назарда тутиш лозим. Эҳтимол, ҳамкорликдаги фаолиятнинг дастлабки босқичларида АСБ бўлган бола сиз билан мулоқотга киришишдан бутунлай бош тортади, гуруҳий машғулотга киришишни эса умуман истамайди, индивидуал, яъни якка тартибдагисига рози бўлиши ҳам осон кечмайди.

Шунинг учун, АСБ бўлган болалар билан ўйналадиган ўйинларни тавсия қилаётганда биз уларни фақатгина реал имконият ва заруриятдан келиб чиққан ҳолда уюштириш кераклигини назарда тутмоқдамиз.

АСБ бўлган бола билан амалга ошириладиган коррекцион машғулотлар учун белгиланадиган ўйинлар рўйхатини тузаётганда шуни унутмаслик лозимки, бола сиз таклиф қиладиган ўйин унинг қизиқишларига мос келган тақдирдагина сиз билан ўйин ўйнашга розилик билдиради. Шунинг учун, машғулотга кета туриб, олдиндан тузиб олган режангизни вазиятга қараб ўзгартириш эҳтимолига тайёр бўлишингиз ва тарбияланувчи ёки “таълим миждозингиз”нинг “дидига” мос келиб қолиши мумкин бўлган қўшимча бошқа ўйинлар билан ҳам қуролланиб олишингиз керак бўлади. Ҳар бир ўйин мазмуни тафсилоти уни ўтказишдан мақсад нималардан иборат эканлиги ҳақидаги тушунтиришлардан бошланади. Ўйлаймизки, бу сизга боланинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда ўйинларни танлаб олишда қўл келади.

АСБ бўлган болалар учун мураккаброқ бўлган ўйинлардан – бу уларнинг тенгдошлар билан биргаликда қўшилиб ўйнашини назарда тутувчи жамоавий ўйинлардир. Бу ўйинларни эҳтимол,

индивидуал тайёргарлик ишларидан сўнггина ва албатта, боланинг истагини инобатга олиб қўллашингиз керак.

Мазкур қўлланмада келтириладиган индивидуал, яъни якка тартибда ўйналадиган ўйинлар психолог-дефектолог Г.Д.Черепанованинг 20 йилдан зиёд меҳнатининг маҳсулидир.

Улардан ҳар бири коррекцион иш бошланиши учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу қўлланмада келтирилган ўйинлардан баъзилари (масалан, “Бурнингни кўрсат”) ҳам индивидуал иш таркибида, ҳам гуруҳий ишларда қўлланилиши мумкин.

Ҳаракатли ўйинлар **“Енглар”**

Мақсад: АСБ бўлган болаларни гуруҳий ишга жалб қилиш.

Ўйинни ўтказиш учун иштирокчилар сонига мос равишда қоғоздан кесиб олинган жуфт енглар керак бўлади. Ўйинни олиб борувчи бир хил расм ёки нақш белгиланган, бироқ бўёқ билан бўялмаган енглари хона бўйлаб ерга отиб чиқади. Болалар хона бўйлаб тарқалишади. Ўзларининг “жуфтларини” излаб топгач, хона бурчагига ўтади ва бир хил бўлган енглари маълум бир рангдаги қалам ёрдамида иложи борица тезроқ бўйй бошлайди.

Болалар ўз ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлигини кўриб (жуфтини қидирадилар), дарҳол тушунадилар. Муаллим эса болаларнинг ҳамкорликдаги ишни қай тарзда бажараётганликларини, қаламларни қандай қилиб бўлишаётганликларини, ўзаро келишиш учун эса қандай муомала қилаётганликларини кузатиб туради. Ўйинни икки босқичда ўтказиш тавсия этилади. Биринчи босқичда болалар фақат енгнинг жуфтини қидирадилар. Шу тариқа бир неча маротаба ўйнагач, кейинги босқичга ўтиш мумкин: жуфтини топгач, болалар енглари бўйй бошлайдилар.

“Шер ови”

Мақсад: болаларни ўз хатти-ҳаракатларини вақтга мувофиқ тарзда режалаштиришга ўргатиш.

Иштирокчилар катта айлана бўлиб туриб оладилар. Бошловчи айланадан ташқарига чиқиб, гуруҳга орқаси билан туриб олади ва баланд овозда 10 гача санай бошлайди. Шу вақт мобайнида болалар кичкина латтали ўйинчоқ шерни бир-бирларига узатадилар. Санок

тугаганидан сўнг, шер кимнинг қўлида қолган бўлса, шу бола қўлини чўзган ҳолда шерни кафтлари билан беркитади. Бошқа болалар ҳам шу ҳаракатларни қайтарадилар. Бошловчининг вазифаси – шерни топишдан иборат.

Одатда, АСБ бўлган болалар ўйинга дарров киришишга қийналадилар, шунинг учун уларга ташқаридан туриб, ўйин қай тарзда кечаётганини кузатиш учун имконият бериш керак.

“Бурнингни кўрсат”

Мақсад: болаларга ўз таналарини ҳис қилиш ва англашларига ёрдам бериш.

Бир, икки, уч, тўрт,
Ўйнаш учун ҳозир бўл.
Сен қарагин, эснама,
Ўрганишни, унутма.
Кўрсатганимни қайтаргин,
Айтганимни, тинглагин.

Тарбиячи ўз тана аъзоларини номлаб туриб, ўзида кўрсатади, қўлларини қўяди. Болалар унинг кетидан ҳаракатларини қайтарадилар, ўзларида ҳам айтилган тана қисмларини қайтариб кўрсатадилар. Кейин тарбиячи болаларни “адаштира” бошлайди: битта тана аъзосининг номини айтиб, бошқасини кўрсатади. Болалар шуни пайқаб, нотўғри ҳаракатларни қайтармасликлари керак бўлади.

“Мен кимман?”

Мақсад: боланинг тасаввури ва хаёлини ривожлантириш.


Тарбиячи ўзига галма-галдан турли касб эгаларига (шифокор, артист, милиционер ва ҳ.к.) тегишли жиҳоз ёки нарсаларни кияди. Бола тарбиячи кимни кўрсатганини аниқлаши керак.

“Ўйлаб топ”

Мақсад: болаларни турли ҳиссиётларни фарқлашга ўргатиш

Тарбиячи боладан расмларга қараб, ҳикоя ўйлаб топишини сўрайди. У “Мен ҳикояни ўйлаб топишни бошлайман, сен эса уни давом эттирасан. Бу ҳикоямиз учун мана бундай расмлар чизиб қўйилган. Масалан, Турсуной ҳовлига сайрга чикди. У коптокни қўлига олди. Унинг кайфияти мана бундай эди (тарбиячи 1-карточкадаги қизни кўрсатади). Нима деб ўйлайсан, унга нима

бўлган эди?” “Кейин эса Турсуной ...” (Муаллим 2-карточкани кўрсатади) ва ш.к. (8-расм).



3-расм. “Ўйлаб топ” ўйини учун кўргазмали материал

“Ҳар хил қилиб кўрсат”

Мақсад: болаларни турли хил хис-туйғу ва ҳаракатларни сезишга ва фарқлашга ўргатиш, антоним сўзлар билан таништириш.

Ўйиннинг биринчи босқичи: Тарбиячи айтади:

- Мана мен баланд дарбозадан кираяпман (гапириб турган ҳолда кўрсатиб боради), энди эса мана бундай ... (тарбиячи энгашади) дарбозага кираяпман. Бу дарбоза қандай? Бола “баланд” сўзига антоним сўзни айтиши керак.

- Мен ҳозир енгил халтани кўтариб кетаяпман (кўрсатади), энди эса (кўрсатади) ... Қандай халта?

- Мен ҳозир кенг ариқдан сакраб ўтаяпман (кўрсатади), энди эса ... кўлмакдан сакраб ўтдим (кўрсатади) У қандай?

- Мен имиллаб юраяпман, энди эса ... Қандай?

- Мен сайр қияяпман, жуда ҳам исиб кетдим. Мана қаранг, шамол эсяпти, мен ... кетаяпман. Қандай?


- Мен зерикарли театрни томоша қияяпман. Энди эса...

Ўйиннинг 2-босқичи: Барча ҳаракатларни бола бажаради, тарбиячи эса боланинг ҳаракатларини шарҳлайди ёки ўйин қоидаларини ўрнатади, масалан, “Агар мен дарбозанинг баландлигини кўрсатадиган бўлсам, унда сен одатдагидек тўғри юрасан, агарда мен дарбозанинг пастлигини айтсам, унда сен эгиласан” ва ш.к.

“Соядаги қуёнча”

Мақсад: диққат ва фазовий мўлжал ола билиш кўникмасини ривожлантириш.

“Бизникига “соёдаги қуёнча” меҳмон бўлиб келди. Уни қаердалигини топ. (Тарбиячи фонарни ёқиб, деворни ёритади). Энди эса бизнинг меҳмон қуёнчамиз қимирлайди. У қандай қилиб ҳаракат қилганини эслаб қол ва юрган йўли йўналишини чизиб бер”. Бола нигоҳи билан ёруғликка тушаётган соянинг ҳаракатларини диққат билан кузатади, кейин эса қуёнчанинг юрган йўли йўналишини қоғозда тасвирлаб бериши керак (9-расм). Фонар ўрнига лазерли кўрсаткичдан, қуёшли кунда эса ойна бўлагидан фойдаланиш мумкин.



4-расм. Тахминий ҳаракат йўналиши чизмаси

Стол устидаги ўйинлар

АСБ бўлган болалар шароитнинг ўзгаришига қийинчиликлар билан қўникишини ҳисобга олган ҳолда юқорида тўхталиб ўтилган барча индивидуал ўйинларни стол устида ўтирган ҳолда ўтказиш тавсия этилади. Бундан ташқари АСБ бўлган болалар учун (улар билан алоқа ўрнатилган тақдирдагина) “Хавотирланувчан болалар билан қандай ўйнаш мумкин бўлимида батафсил тавсифланган нафас олишга ва релаксацияга мўлжалланган машқларни бажариш фойдали бўлади.

Сенсор интеграциясида бузилишлари бўлган болалар билан терапевтик ва коррекцион иш олиб бориш

Терапевтик қисм бола билан ишлашнинг мураккаб ва муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Интернат типдаги муассасаларда болалар туғилган заҳотлариёқ она билан муҳим ҳиссий-психологик алоқадан маҳрум бўладилар, бунда барвақт коррекцион-ривожлантирувчи ишлар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Сенсор интеграциясида бузилишлари бўлган бола терапия

ёрдамида табиат томонидан кўзда тутиладиган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишни ўрганиши мумкин. Сенсор интеграциясида бузилишлари бўлган болалар билан терапевтик ишда қуйидаги йўналишлар мавжуд: сенсор-интегратив терапия, ўйинли терапия, нейрopsихологик коррекция.

Сенсор-интегратив терапия Джин Айрес томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур терапиянинг мақсади сенсор тизимларни рағбатлантириш ва бола томонидан мослашув жавобини ишлаб чиқишга асосланади. Сенсор-интеграцион терапия ёрдамида бола сенсор қўзғатувчиларни қабул қилишга ва янгиларига мослашишга, фазода ўзини ва ўз танасини ҳис қилишга ҳамда атроф-муҳит билан тўғри ўзаро муносабатларга киришишга ўрганади.

Ўйинли терапия бола миясини ўйин ёрдамида самарали фаоллаштиришга қаратилади, унда албатта боланинг қизиқишларига асосланилади. Кўпчилик, ўйин бола учун фойдаси йўқ оддий вақтичоғлиқ деб ҳисоблайдилар. Аммо, бола ўйнаш орқали ўз танасининг оғирлиги ва сенсор сигналлар орқали мотор ва ҳиссий ривожланиш учун зарур импульсларни олади.

Нейрopsихологик коррекция ўз ичига махсус психологик методикаларни қамраб олади, улар мия бузилишларини қайта ташкил этиш ҳамда компенсатор воситаларни яратишга йўналтирилиб, улар ёрдамида бола кейинчалик мустақил равишда таълим олиши ва ўз хулқини назорат қилиши мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган барча методикалар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир: сенсор-интеграцион терапия ўйинга асосланади ва бола манфаатларига қаратилади. Нейрopsихологик коррекция ўз ичига, сенсор-интеграцион терапияда қўлланиладиган, сенсомотор коррекция, олий психик функцияларни ривожлантиришга йўналтирилган катор ўйин ва машқларни ҳамда танага йўналтирилган терапияни қамраб олади.

Ҳар бир тарбияланувчи билан коррекцион ишларни ташкил этиш, юкламани бола учун самарали ва зарар етказмайдиган тарзда бутун кунга мўлжаллаш учун сенсор-интеграцион терапияда ташкилотчи ҳисобланган, сенсорли парҳездан фойдаланиш мумкин.

**Сенсор интеграция бўйича психологнинг болалар билан
ишининг тахминий режаси**

Ф.И.О.	Д.А.О.
Туғилган санаси	12.01.2014
Ташҳис ўтказиш санаси	10.01.2023
Ташҳис натижаси	<i>Паст сенсор сезгирлик билан проприоцептив дисфункция. Юрганида оёқлари билан гурсилатади, турли баланд объектлардан сакрайди, атайин полга йиқилади, қўпол кучоклашишни яхши кўради, расм чизишда қаламни жуда кучли босади, предметларни жуда кучли сиқади, ўзини тишлайди.</i>
Танланган коррекция методи	Сенсор-интеграцион терапия
Коррекция иши ўтказилган сана	9.01.- 10.03.2023
Машғулотнинг бориши	
Ажратилган вақт	5-10 дақиқадан ҳафтада 3 марта
Машғулотнинг мазмуни	Майда моторикани ривожлантириш учун турли машқларни қўллаш (Турли фактурали материалларни ўрганишга йўналтирилган машқларни қўллаш, масалан: “қоғоз турлари”. “Типратиканга кўмаклаш”, “пирамидани йиғ” машқлари, расм чизиш, пластилин билан ишлаш бўйича машғулотлар ўтказиш). Шунингдек, дастурга копток билан ўйинлар, бўғимлар, мушаклар ва пайларни чўзиш учун машқлар. Бир қўлни предметда тутиш, бошқа қўл билан бирор ҳаракатларни амалга ошириш бўйича машқлар.
Сенсор хонада ишлаш	Қўл ва оёқлар учун сенсор панеллар билан ишлаш, текканда тебраниш ҳосил қилувчи ҳаво-пуффакли трубкаларни қўллаш. Хонанинг тактил сезгиларидан фойдаланиш.
Фойдаланиладиган материаллар	Турли текстурали қоғозлар (дафтар варағи, альбом варағи, қоғоз салфетка), пластилин, турли фактурали материаллар, коптоklar, пирамидалар, тугмачалар, турли қомламали ўйинчоқлар.

Қайта ташҳис ўтказиш санаси	(10.05.2023)
Ташҳис натижалари	Паст сенсор сезувчанлик билан проприоцептив дисфункция
Ривожланиш динамикаси	Расм чизишда қаламга босиши камайди. Полга атайин камроқ ўзини ташлайди. Жуда қаттиқ ва жуда юмшоқ материалларни аниқлай бошлади.

3-жадвал

Сенсор-интеграцион терапияда қўлланиладиган машқлар

Вестибуляр дисфункция	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Доимо ҳаракатда бўлади, айланади ва уёқдан буёққа юради, бир дақиқа ҳам ўз жойида ўтира олмайдигандек, доимий “қўзғатувчилар”ни излайди, ўтирганида оёқлари билан силкитади, уни кўтариб илғитишларини яхши кўради, унинг боши ҳеч қачон айланмайдигандек ҳис қилади, серғайрат.	Болалар майдончалари, болалар майдончаларидаги арғимчоқлар, каруселларни хуш кўрмайди, баландликдан кўрқади, оёғи осмонга қаратилишини ёмон кўради, йиқилиб тушишдан кўрқади, тез, кутилмаган ёки такрорланувчи ҳаракатларни ёмон кўради.
Вестибуляр тизимни ривожлантиришга кўмаклашадиган машғулотларни қўллаш • тебранма от ва тебранма курсилар; • арғимчоқлар; • карусель; • батут; • иппотерапия	Фаолиятни кичик қадамларга бўлиш, якуний маррани белгилаш учун кўрсатмалардан фойдаланиш (масалан, рангли скотч) ёки рағбатлантириш; Болани арғимчоқда тебратиш ёки катта инсоннинг тиззасида қорнига таянган ҳолида (кўкрак қафасига), оёқлари ерга тегадиган тарзда тебратиш мумкин; Юксалиш билан сакрашлар, баландликни аста-секин ошириб бориш билан; Катта копток билан ўйинлар (болани аввал гавдасидан, сўнгра тиззаларидан, кейин эса тўпиқларидан ушлаб, аста тебратиб, кўкраги ёки қорни билан катта коптокка ётқизиш, бу ҳолда

	боланинг қўллари эркин, таяниш учун олди томонида қолади); Катта инсонга қараб сўнгра, орқа томони билан унинг қўлига “қулаш”; бола бунга тайёр бўлганида худди шу машқни кўзларини юмган ҳолда амалга ошириш мумкин; Скамейка устидан юриш, “Чуқурдан ўтиш” ўйинидан фойдаланиш мумкин; Стуллар орасидан ўрмалаб ўтиш (икки стул бир-бирининг ёнига суянчиқ томони билан қўйилади, машқни икки бола билан биргаликда ўтказиш яхшироқ, бунда улар бир-бирларига ёрдамлашишлари керак); Беланчакда тебраниш (беланчак халқага илиниши керак ва боланинг бутун танасини қамраб олиши лозим).
Проприоцептив дисфункция (кинестетик идрок тизими билан ишлашнинг муҳим тамойили – <i>кинестетик кўзгатувчи тананинг қайси қисмига таъсир кўрсатса ҳам, у инсоннинг бутун танасига таъсир этади</i>)	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Доимо сакрайди, бузади, гурсиллатади, уни кучли кучоклаганларини, кучли босганларини хуш кўради, тор кийимларни яхши кўради, бошқа болалар билан қўпол ҳатто тажовузли муносабатда бўлади.	Фазода ўз гавдасини идрок этишдаги қийинчиликлар, қўполлик, бурчаклар, объектларга урилиб кетади, қоқилади ва барча нарсага илиниб қолади. Ўз кучини баҳолашдаги қийинчиликлар: предметни суриш учун қандай куч ишлатиш кераклигини тушунмайди, предмет вазнини баҳолай олмайди, шунинг учун кўпинча предметларни синдиради, босим кучини ҳисоблай олмайди, шунинг учун расм чизаётганида қоғозни йиртиб юборади.
• осон ҳаракатланиш учун мебелни девор ёнида жойлаштириш; • чегараларни ёрқин скотч ёрдамида	Бу соҳадаги мутахассисларнинг амалий ишлари фақатгина паст кинетик сезувчанликни кўрсатди.

полда белгилаб чиқинг; • бошқа инсонлар ёнида турганида “чўзилган қўл узунлигида” қондасини ўргатинг; • турли таъсир этиш кучи билан мушаклар, пайлар ва бўғимларни эзиш ва чўзиш учун машқлар; • майда моторикани ривожлантириш учун барча машғулотлар турларидан фойдаланинг (ихтиёрий бармоқли ўйинлар, коптокли ўйин (уни тутиб олиш); чапаклар чалиш; пирамида йиғиш, предметларни олиш, йирик марварид ва узукларни илга териш; қоғозни йиртиш мумкин, “пластилин”дан зувалаларни яшаш; тугмачаларни ечиш); ихтиёрий қўлда яшаш ишлари, бисерли тўқиш, расм чизиш ва бўяш; • турли фактурали материалларни ўрганиш мумкин; • шунингдек, қуйидагича машқларни қўллаш мумкин: – ўнг ва чап қўлни навбатма-навбат ҳаракатлантириш; – икки қўлни баравар бир хил ҳаракатлантириш; – болаларга бир қўлни предметда, объектда тутиш, бошқа қўллари билан бирор ҳаракатни амалга оширишни ўргатиш; – бирор хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун икки қўл билан турлича синхрон бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишга ўргатиш. <i>1-иловага қаранг</i>	
Тактил дисфункция	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Қўли ва юзи ифлосланганлигини ҳис қилмайди, доим ниманидир ушлайди ёки нимагадир тегиб кўради, тенгдошлари билан қўпол тарзда	Ифлос бўлиб қолиш мумкин бўлган ўйинлардан воз кечади, енгил тегиш, ўпишлардан бош тортади, қўпол кийимларни хоҳламайди, ванна қабул

ўйнайди, оғриқни яхши сеза олмайди ёки ундан ҳатто роҳатланиши мумкин.	қилиш ёки соҳилларга чиқишдан бош тортади.
Қуйидагилардан фойдаланиш зарур • оғир одёллар; • қопкўрпа; • уқаловчи гиламчалар; • қаттиқ мочалка билан ишқалаш; • майда моторикани ривожлантириш; • турли фактура ва зичликдаги материаллар билан ишлаш; • кучли уқалаш, «Сэндвич» усули (болани катта ёстиклар орасига ётқизиб, уни кафт билан силайдилар, силашлар кучли ва ишқаловчи бўлиши керак); • ниманидир итариш ёки тортиш, етарлича оғир бўлган предметларни кўтариб юриш, сакраш керак бўлган ўйинлар; • турли юзаларни қўл билан пайпаслаш, улар устида оёқлар билан юриш, турли материалларга бутун тана билан алоқада бўлиш (қуруқ бассейнда шарчалар билан, қум билан, тошчалар билан, ёрма маҳсулотлари билан, турли ҳароратдаги сув билан ва ҳ.к.). Агар бола нотаниш предметлар билан алоқада бўлишдан воз кечса, унда таниш ўйинчоқлар (<i>предметлар</i>)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, масалан, болани кийим остига беркитиш ва излаш. <i>1-иловага қаранг</i>	хар сафар болага тегишдан олдин уни огоҳлантириш, унга фақат олд томонидан яқинлашиш; кучоқлаш тинчлантиришдан кўра, кўпроқ азият етказувчи бўлиши мумкинлигини ёдда сақланг; аста-секин болани турли юзалар билан таништиринг; бунинг учун турли фактурали материаллар билан кутини тайёрланг (ипак, мўйна, духоба қоғозлар ва ҳ.к.); болани сезувчанликни бошқаришга имкон берувчи мустақил ҳатти-ҳаракатларга ўргатиш (масалан, сочни тарашда ва ювишда).
Эшитишдаги дисфункция	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Нутқни қабул қилиши қийин, жуда баланд мусиқани яхши кўради ёки ўзи шовқин кўтаради, товуш манбаи қаерда эканлигини тушунмайди, доим қайтадан сўраб олади.	Бошқаларга таъсир қилмайдиган, баланд, тўсатдан кучли чиққан товушларда қўллари билан қулоғини беркитади (хожатхона сувининг тортилиши овози, фен, чангютгич овозлари, шовқин жойларни кўтара

	олмайди).
Ҳаракатланишда визуал кўрсатмаларнинг қўлланиши. Атроф-муҳит товушларини акс эттириш. Сўзни тасвир билан солиштириш бўйича машқлар. Оғзаки кўрсатмаларни бажариш. Визуал кўрсатмалардан фойдаланиш. Ҳаракатлар билан биргаликда ритмик мусиқалардан фойдаланиш. Логоритмик бўғинларни куйлаш. <i>1-иловага қаранг</i>	Бола билан паст, овозни кўтармай гаплашиш. Ташқи товушларни камайтириш (дераза, эшикларни ёпиш). Фақатгина сокин мусиқалардан фойдаланиш. Бола машғулотлар билан шуғулланиши учун махсус жой яратиш, масалан, унга тўсилган бурчакдан жой ажратиш. Шовқинли жойларга боришда наушниклардан фойдаланиш мумкин. Карточкалардан фойдаланиш.
Кўриш дисфункцияси	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Ҳаракатланувчи объектларни кузатиши қийин, ўхшаш ҳарфларни адаштиради, суратни яхлитлигича қабул қилмай, алоҳида қисмларига эътибор қилади, ўқиш вақтида ёки доскадан кўчириб ёзишда қаторни адаштиради. Сенсор интеграциядаги бузилишлар эътиборсиз қолдирилиши мумкин эмас.	Ёрқин ёруғликдан азият чекади, кўриш кўзғатувчиларига осон чалғийди, кўзлар тўкнаш келишидан қочади, хонада ёрқин обойлар ёки деворлар бўлганида таъсирланиб кетади.
1. «Рангли мозаика», 2. «Рангбаранг боғичлар» 3. «Рангли қисқичлар» 4. «Ранги бўйича танла» 5. «Шакли бўйича танла» <i>1-иловага қаранг</i>	Машғулотларни алоҳида тўсилган бурчакда ўтказиш. Ортиқча кўзга кўзғатувчилар, кучли ёруғликдан сақлаш. Болага бирданига кўп предметларни кўрсатмаслик, топшириқларни оз-оздан бериш. Барча мазкур ўйинлар ва материаллар предмет, ранг, шакл, ўлчамларнинг хусусиятлари ва сифатларини кўриб идрок этишни яхшилаш учун қўлланилади. Кўз-қўл, кўз-оёқ кўриш-мотор мувофиқлигини ривожлантиради. Фазовий тасаввурларни, фазода ҳамда атроф-оламда ўз-ўзини англашни яхшилади.
Ҳид сезишнинг бузилиши	

Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Ёқимсиз ёки ўткир ҳидларни пайқамайди, дуч келган барча нарсани ҳидлайди, ҳидларни яхши ажрата олмайди.	Турли ҳидларни кўтара олмайди, унинг учун ёқимсиз ҳид келган жойларга киролмайди, озиқ-овқатларни ҳидига қараб танлайди, бошқаларга нисбатан ҳидларга кучлироқ эътибор қаратади.
Кучли ҳидли маҳсулотлардан фойдаланиш. Ҳидларни фарқлай олиш бўйича машқлар ўтказиш мумкин (мевалар, кучли ҳидли сабзавотлар: саримсоқ пиёз, бодринг).	Ҳидсиз гигиена воситаларини қўллаш, атирлардан фойдаланмаслик, имкон қадар ҳар қандай ҳидларни бартараф этиш. Шунингдек, бола бошқа ҳидларга чидай олмайдиган вазиятларда, бола учун ёқимли бўлган муаттар ёғли идишни ҳидлаши учун бериш мумкин.
Таъм билишнинг бузилиши	
Заиф сенсор сезувчанликда (гипофункция ёки гипосезувчанлик)	Юқори сенсор сезувчанликда (гиперфункцияда ёки гиперсезувчанликда)
Ейиш мумкин бўлмаган нарсаларни ялаб, татиб кўради, кучли таъмли озиқ-овқатларни хуш кўради. Кучли сўлак ажралиши кузатилиши мумкин. Ручка, қалам ёки кўйлак ёқасини ғажийди.	Овқатларни фарқлаш, чекланган маҳсулотларни танлаши. Қаттиқ маҳсулотларга тикилиши мумкин, етарлича чайнай ва юта олмайди, тиш шифокорларини ёмон кўради, тиш пастаси ва тиш ювишни ёмон кўради.
Сенсор парҳезга амал қилиш, носоғлом озиқ-овқатлар истеъмолидан воз кечиш тавсия этилади, педиатр шифокор болага мос келадиган витаминли мажмуани буюради. Логопед ўқитувчи сўлак ажралишини тўхтатиш, сенсор артикуляцион машқлар бўйича уқалашларни бажаради. Паст сезувчанликда бола билан “Мазаси бўйича топ”, “4 хил таъм” (таъм билиш сезгиларини ривожлантириш) машқларини ўтказиш мумкин. <i>1-иловага қаранг.</i>	

ХУЛОСА

Ҳар бир болага индивидуал ёндашиш – бу сермашаққат ва самарали бўлган ёндашувлардандир! Бироқ бола қанчалик индивидуал бўлмасин, биз – катталар уларга доим ўз “нигоҳимиз” ва ўз “қаричимиз” билан ёндошамиз. Кейин эса ўз ташхисимизни қўямиз, лекин бунда ҳам “катталар нигоҳи”дан четга чиқа олмаймиз. Лекин бу билан боланинг муаммоси ҳал бўлмайди. Муаммони амалий жиҳатдан тўғри ҳал қила олиш учун биз болаларга фақатгина шу боланинг нигоҳи билан қараганимиздагина эришишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам биз осонлик билан ва ҳеч муболағасиз гиперфаол, агрессив, хавотирланувчан, аутик тоифага киргизиб атайдиган болалар ўзлари ҳақида қандай фикрда эканликларини билиш жуда ҳам қизиқ бўлар эди. Ўйлаймизки, қуйидаги мулоҳазаларни ўқиган “катта ёшдагилар” ўзлари учун жуда ҳам кўп янгиликлар (эҳтимол, доим ҳам ёқимли бўлмас) олиши, ўз фарзандларини яхшироқ тушуниши, балки бу билан келгусида йўл қўйиши мумкин бўлган кўпгина хатоликларнинг олдини олиши мумкин.

Мутахассис мазкур материални ўрганиб, бола билан олиб бориладиган деярли барча ишлар айнан сенсор-интеграцион терапия эканлиги тўғрисидаги хулосага келиши мумкин. Ҳақиқатда биз болани қўлимизга олганимизда, унга ниманидир айтаётганимиз, кўрсатганимиз, қўлига берганимиз, қўшиқ куйлаганимиз, ўйнаганимиз сенсор интеграцияни ривожлантирувчи, бола учун зарур бўлган қўзғатувчилардир ва биз ота-оналар, тарбиячилар, мутахассислар мақсадли равишда ёки англолмаган ҳолда болага у учун муҳим ҳисобланган таъсир кўрсатамиз. Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, турли сабабларга кўра сенсор интеграция бузилган бўлиши мумкин, бундай ҳолларда бола ўзи амалга оширишга ҳаракат қилиши керак бўлган вазиятларда мутахассиснинг ёрдамига зарурат туғилади. Ўз навбатида, мазкур муаммо тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлган мутахассис, нафақат боланинг муаммосини ташхис қилиши, балки боланинг сенсор интеграцияси ривожланишига самарали таъсир этувчи психологик-педагогик тадбирларни тўғри белгилаши, ташкил этиши мумкин.

Глоссарий

1. Вестибуляр дисфункция – вестибуляр анализаторнинг марказий ва периферик қисмларида қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ бўлган вестибуляр функциянинг бузилиши.

2. Проприорецепторлар – латинча «*proprius*» - шахсий + «*sario, seri*» - қабул қилувчи. Проприорецепторлар мускуллар ҳаракат аъзоларининг бўғинли қатламларида жойлашган бўлади. Проприорецепторлар мускулларнинг қисқариши таъсирида ҳаракатга келади.

3. Сензитивлик (лот. ҳис-туйғу) – инсоннинг содир бўлаётган ҳодисаларга нисбатан юқори сезувчанлигида нмоён бўлувчи ўзига хос хусусияти, одатда юқори хавотирланувчанлик, янги вазиятлардан қўрқиш билан ҳамроҳликда юзага келади. Сензитивлик органик сабаблар (ирсийлик) ҳамда тарбиянинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4. Фрустрация - (лот. *frustratio* – «алдов», «муваффақиятсизлик», «беҳуда умидлар», «режанинг бузилиши») – у ёки бу эҳтиёжларни қондиришнинг ҳақиқатда имкони йўқлиги ёки эҳтимол қилинганлиги туфайли юзага келадиган салбий руҳи ҳолат, соддароқ маънода, мавжуд имкониятларнинг истакларга мос келмаслиги ҳолатида.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Айрес Э. Дж. Ребенок и сенсорная интеграция. Понимание скрытых проблем развития /Э. Джин Айрес; [пер. с англ. Юлии Даре]. – М.: Теревинф, 2009. – 272 с.
2. Бардиер Г., Ромазан И., Чередникова Т. Я хочу! СПб., 1993.
3. Барбера М.Л. Детский аутизм и вербально-поведенческий подход.- Екатеринбург: «Рама Пабблишинг», 2014. – 304 с.
4. Битова А.Л., Борисовская О.Б. Педагогика, которая лечит. – Москва: «Теревинф», 2013г. – 240 с.
5. Войлокова Е.Ф. Сенсорное воспитание дошкольников с интеллектуальной недостаточностью. – М. : «Каро», 2005г. – 30 с.
6. Гилберг К., Питерс Г. Аутизм. Медицинские и педагогические аспекты. СПб., 1998.
7. Захаров А.И. Как помочь нашим детям избавиться от страха. СПб., 1995.
8. Изард К.Э. Психология эмоций. СПб., 1999.
9. Делани Тара. Развитие основных навыков у детей с аутизмом. – Екатеринбург: «Рама Пабблишинг», 2014. – 272 с.
10. Кислинг Улла. Сенсорная интеграция в диалоге: понять ребенка, распознать проблему, помочь обрести равновесие /Улла Кислинг; под ред. Е. В. Ключковой; [пер. с нем. К. А. Шарп]. – М.: Теревинф, 2010. – 240 с.
11. Крановец К.С. Разбалансированный ребенок. Как распознать и справиться с нарушениями процесса обработки сенсорной интеграции. – Санкт- Петербург: Редактор, 2012. – 380 с.
12. Лебединская К.С., Никольская О.С., Баенская Е.Р. Дети с нарушениями общения: ранний детский аутизм. – М.: Просвещение, 1989. – 94 с.
13. Лынская М. Преодоление алалии и задержки речевого развития у детей. Метод сенсорно-интегративной логотерапии. – М.: Логомаг, 2015. – 90 с.
14. Нуриева Л.Г. Развитие речи у аутичных детей. – Москва: «Теревинф», 2013г. – 122 с.
15. Новикова Е.В., Кочубей Б. И. Эмоциональная устойчивость школьника. М., 1998.
16. Никольская О.С., Баенская Е. Р., Либлинг М. М. Аутичный ребенок. Пути помощи. М., 1997.
17. Окланде? В. Окна в мир ребенка. М., 1997.

18. Программы психологической коррекционно-развивающей работы в образовательных учреждениях / И.О. Зиновьева таҳрири остида. Спб., 1999.
19. Психологический словарь / В.П. Зинченко таҳрири остида, Б.Г. Мещерякова. М., 1997.
20. Фопель К. Как научить детей сотрудничать? 1-қисм. М., 1998.
21. Фопель К. Как научить детей сотрудничать? 2-қисм. М., 1998.
22. Фопель К. Как научить детей сотрудничать? 3-қисм. М., 1998.
23. Фурманов И.А. Детская агрессивность: психодиагностика и коррекция. Минск, 1996.
24. Чистякова М. И. Психогимнастика. М., 1990.
25. Шевченко Ю. С. Коррекция поведения детей с гиперактивностью и психопатоподобным синдромом. М., 1997.
26. Интернет манба: <http://rodnaya-tropinka.ru/razvitie-novorozhdennogo/>
27. www.nsmu.ru/student/faculty/departament/soc_pediatriy/ordin/2.d ос
28. <https://archive.qalampir.uz/news/xayot-gullari-autist-bolalar-ular-mashxurlar-oilasida-xam-dunyoga-keladi-1539>

Проприоцептив бузилишларда фойдаланиладиган машқлар “Хилма-хил қоғозлар”

Қоғоз варағини навбатма-навбат ғижимланг, бу машғулотга болани ҳам жалб этинг. Шарҳланг: “Мана қоғоз салфетка. Қара, у қанчалик осон ғижимланади, чунки у жуда юпка ва юмшоқ қоғоздан тайёрланган. Энди кел дафтар варағини ғижимлашга уриниб кўрамиз. Қарагин, буни ғижимлаш қийинроқ, у – қалин ва ҳ.к.”. ғижимланган варақлардан шарчалар ясаб, улар билан “қорбўрон” ўйнаш мумкин. Ўйинда бола материалларнинг хусусиятлари билан танишади, майда моторикасини ривожлантиради.

Копток билан ўйнаш

Сизга копток керак бўлади. Полга боланинг рўпарасига ўтиринг, коптокни думалатинг, боланинг ҳам шундай қилишини тушунтиринг. Полда коптокни думалатиб, гўдакка коптокни қандай отиш мумкинлигини кўрсатинг. Унга ҳаракатлар эркинлигини беринг.

Челакчада нима борлигини кўрамиз

Керакли воситалар: қопқоқли челакча ёки кути, ёрқин ўйинчоқлар. Ўйинчоқни челакчага солинг, қопқоғини ёпинг ва болага беринг. Гўдакдан челакчани очишини сўранг. Ўйинчоқларни чиқариб олинг, уларни шундай жойлаштирингки, бир-бирларини тўсиб қўямасинлар. Ўйинчоқларни челакчадан олишда, улардан ҳар бирини тавсифланг: “Қара, қандай қизил олма. Жуда чиройли! Мана бу эса – яшил кубик. Биз уни олма билан ёнма-ён қўямиз”. Ўйинчоқларни ёйиб қўйгач, улардан завқланинг. Кичкинтой билан ҳар бир буюмдан биргаликда қувонинг, у сизнинг эмоционал кайфиятингизни ҳис қилсин. Майли, гўдак ҳар бир ўйинчоқни қўлида тутиб турсин, улар билан ўйнасин. Машғулот якунида боладан барча предметларни челакчага солишини ва уни қопқоқ билан ёпишини илтимос қилинг. Болага йиғиштиришда ёрдамлашинг. Ўйин майда моторика, рангни идрок этишга кўмаклашади.

Эринчоқ саккизвой


Керакли воситалар: қаламлар ва тоза қоғозлар. Боланинг ўнг қўлига қалам бериб горизонтал равишда саккиз рақамини (чексизлик белгиси) чизиш керак. Кейин эса буни чап қўлда бажариш мумкин. Ундан кейин ўнг ва чап қўлда бир вақтнинг ўзида чизиш лозим. Аввал бошида боланинг қўлларида тутиб ва унинг қўл ҳаракатларини уйғунлаштириб биргаликда чизинг. Секин-аста мустақил чизишига имкон беринг.

Типратиканга ёрдамлаш

Керакли воситалар: картондан қирқилган типратикан ва кўзиқоринлар. Типратикан елкасида кўзиқоринлар учун кесиклар қилинг. Гўдакка

Мозаика

Шуни таъкидлаш керакки, мустақил тайёрлаш ва болалар билан ишлашда самарали қўллаш мумкин бўлган кўпгина рағбатлантирувчи материаллар мавжуд. Масалан, сенсор доскаси. Сенсор доска билан ишлаш нафақат кинестетик, балки тактил-ҳаракатли идрокни ривожлантиради.



Шунингдек, педагогик амалиётда барча болаларнинг билиш жараёнларини ривожлантириш учун зарурий ҳисобланадиган Монтессори доскаси, Сеген доскасидан кўп фойдаланилади.



Тактил дисфункцияда фойдаланиладиган машқлар

Совзали қопчалар

Керакли воситалар: матоли қопча, болага таниш бўлган йирик предметлар. Исталган йирик предметни олинг: кубик, пирамиданинг халқаси, кичкина китобча ва ҳ.к. Уларни кўриб чиқинг, ҳар бир предметни гўдакнинг қўлига беринг, кейин уларни қопга солинг. Болага қопдан ниманидир олишини таклиф қилинг, у нимани чиқарганини айтишини сўранг. Шундан кейин аниқ предметни олишини сўранг. Масалан, кубик. Кичик миқдордаги предметдан бошлаб, ҳар бир машғулотда 1-2 ўйинчоқни қўшиб боринг. Ўйин сенсор ривожланишга ёрдам берали, предметларнинг ўлчами ва шакли билан таништиради.

Тугмани ечишга уриниб кўр

Керакли воситалар: тугмали катталар кийими (устки кийим, эркаклар кўйлаги ва ҳ.к.). болага тугмаларни қандай тақиш ва ечиш кераклигини кўрсатинг. Гўдак буни қилишни ўрганиб олганидан кейин майдароқ тугмали буюмларга ўтинг. Кейин кичкинтойдан ўзининг кийимидаги тугмаларни тақиши ва ечишини сўранг. Ўйин майда моторика, мутақиллик кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Кўзларингни юм ва топ

Боладан кўзларини юмишини ва сиз унинг қўлига нимани қўйганингизни топишини сўранг. Ўлчами, шакли, ҳажми, юзаси, вазни билан фарқланувчи предметлардан фойдаланинг: кубик, шарча, тош, сабзавотлар, ҳўл мевалар ва ҳ.к. ўйин тактил сезгилар, диққатнинг ривожланишига ёрдам беради.

Нимани ушлаганингни топ

Керакли воситалар: мато намуналари: шойи, духоба, вельвет, чит, мўйна, тери. Боладан кўзларини юмишини сўранг. Боланинг қўли бўйлаб намуналардан бири билан юргазинг, сўнгра кўзларини очишини ва унинг қўли бўйлаб нимани юргизганингизни топишини сўранг. Ўйин тактил сезгиларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бу машқда сенсор гиламчаларидан фойдаланиш мумкин.



Кўриш дисфункциясида фойдаланиладиган машқлар

Шарчалар

Керакли воситалар: турли рангдаги иккита елим шарчалар. Болага шарчалардан беринг. Уларнинг шакли ва рангини ифодаланг. Уларнинг столда қандай думалаши ва полга тушишини кўрсатинг. Болада ҳам шуни қилиб кўришга унданг. Стол олдида қути қўйинг, шарчалар думалаб қутига тушсин. Болага ҳаракатлар эркинлигини беринг. Ўйин сенсор ривожланишга кўмаклашади, предметлар ранги, шакли ва хусусиятини ўрганишга ёрдамлашади.

Киради – кирмайди

Керакли воситалар: турли ўлчамдаги тугмалар, пластик бутилка. Гўдакка бутилка оғзига тугмани қандай солишни кўрсатинг. Буни ўзи унинг бажаришини кузатинг. Йирик тугма бутилка оғзидан ўтмаслигини айтманг, гўдакнинг ўзи буни кашф этсин. Бир неча омадсиз уринишлардан сўнг тугма ўлчови ва бутилка тешигининг диаметрини солиштиришга ўрганади. Ўйин майда моторика, таққослаш малакаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Қисқичлар

Керакли воситалар: турли рангдаги қисқичлар. Қисқичларни боланинг ўзи фойдаланиши учун беринг. У қисқичларни картон қоғозига, ясси ўйинчоқлар, тарелкаларга тақсин. Сарик картондан доирани қирқинг, унинг четига қисқичларни нур кўринишида қистириб, офтоб ясашни сўранг, буни қандай ясашни кўрсатиб беринг.



Қора ёки яшил овалдан ўнг ва чап томонига 2 та қисқични қисиб, қўнғиз яшаш мумкин. Арқонни боланинг бўйи етадиган тарзда тортинг, унга дастрўмоллар беринг, бола уларни қисқичлар билан қисиб, “қуритиш”га илсин. Ўйин майда моториканинг ривожланишига кўмаклашади. Бу ўйинда қисқич билан ўйнаш учун бошқа шаклларни қирқиш мумкин.

Вестибуляр дисфункцияда фойдаланиладиган машқлар

Қуёнча

Болага қуёнчалар билан ўйнашни таклиф қилинг. Болага ҳаракатларни кўрсатинг ва сизнинг ҳаракатларингизни такрорлашини сўранг. “Қуёнчанинг қулоқлари қандай?”. Қўлларингизни бошингизга қўйиб, қуёнчанинг қулоқчаларини кўрсатинг, кафтларни бош устида ҳаракатлантиринг. “Қуёнча олдинги панжаларини қандай тутати?”. Кўрсатиб беринг. “Қуёнчанинг думи

қандай?” бармоқларни бирлаштириб думнинг ўлчамини кўрсатинг. Сакранг. “Энди эса қуёнча қулоқчалари билан сакраймиз”, қўлларингизни бошингиз устига кўтариб, панжа ва дум билан сакранг.

Битта жойда бир неча марта сакраб, болани олдинга сакрашини сўранг, агар бола буни уддалай олмаса, унинг қўлидан ушланг, яна бир марта сакранг. Ўйин ҳаракатлар мувофиқлиги, моториканинг ривожланишига кўмаклашади, оёқ-болдир мушаклари, товон мушакларини мустаҳкамлайди.

Хатлаб ўтишга ўрганамиз

Полга хатлаб ўтилиши керак бўлган предметларни жойлаштиринг (йирик ўйинчоқлар, таёқлар ва ҳ.к.). Гўдакка “бино бўйлаб, ҳовли бўйлаб сайр қилиш”ни таклиф этинг, унинг қўлларидан тутиб, “сайр қилинг”, кичкинтойга сиз полга тўшаган предметлардан хатлаб ўтишида ёрдамлашинг.



Тўсиқларни енгиб ўтиш

Гўдакнинг севимли ўйинчоғи билан ўйланг. Ўйин вақтида ўйинчоқ олдида бола енгиб ўтиши учун бироз куч ишлатиш талаб этадиган тўсиқлар (тўнтарилган стул, катта қути, ёстик ва ҳ.к.) ни қўйинг. Агар гўдак буни ўзи уддалай олмаса, унга ўйинчоқни қандай олиш мумкинлигини кўрсатиб беринг. Буни ўйин шаклида амалга оширинг: “Бизнинг айиқча қани? Ие, қаерга беркиниб олибди? Сен уни ола оласанми? Йўқ? Унда мен уриниб кўраман”, – намойиш қилинг. Ўйин мантикий фикрлаш, ҳаракатларнинг мувофиқлигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Торт-итар

Керакли воситалар: узун арқон боғланган болалар машинаси (елим шарча). Бола билан полга жойлашинг. Унга машина ёки шарчани ўзингиздан итаришни, кейин арқончадан тортишни кўрсатинг. Гўдакнинг мустақил ўйнашини кузатинг. Ўйин предметлар хусусиятини ўрганишга ёрдамлашади, ҳаракатлар мувофиқлигини ривожлантиради.

Олмалар пишиб етилди

Гўдакдан боғда сайр қилаётганини тасаввур қилишини сўранг. Олмазорлардан бирида олмалар пишиб етилибд – ҳосилни йиғиш вақти. Юқорига тортилиб, дарахт шохларидан олма узаётганингизни, энди эса эгилиб, ерга тушган олмаларни олаётганингизни кўрсатинг. Ҳар бир ҳаракатни 3-4 марта такрорланг. Ўйин ҳаракатлар мувофиқлигини ривожлантиришга, тана мускулларининг мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Эшитиш дисфункциясида фойдаланиладиган машқлар

Кучли-охиста

Керакли воситалар: чилдирма. Гўдакка ўйин қоидаларини тушунтиринг: қачонки сиз чилдирмани секин чертсангиз – кичкинтой мушук ёнидан оёқ учида юриб ўтаётган айикни ифодалайди. Агар сиз кучли чертсангиз, бола филга айланиб, ерни кучли босиб юрадилар. Тез чалсангиз – гўдак югуради, охиста чертсангиз – секин юради. Ўйин эшитиш идроки, тасаввурнинг ривожланишига кўмаклашади.

Товушидан таниб ол

Бу ўйинни ўйнаш учун сизга оиланинг бир ёки бир неча аъзоларининг ёрдами керак бўлади (ўйинни болалар гуруҳи билан ўтказиш мумкин). Гўдакдан кўзларини юмишини сўранг. Катталардан кимдир қандайдир ҳайвон овозини (маърайди, вовиллайди, мовлайди) ўхшатади ва бола кимнинг овозини эшитганини топиши керак. Ўйин диққат, эшитишга оид идрокнинг ривожланишига ёрдам беради.

Ўгирил ва топ

Қалам ёрдамида гўдак билан биргаликда турли предметларни чертинг: стол, стул оёқлари, кути, барабан ва ҳ.к., сўнгра боладан ўгирилиб туришини ва қандай предметни чертганингизни топишини сўранг. Роллар билан алмашинг: кичкинтой тақиллатсин, сиз топинг. Ўйин эшитишга оид идрокнинг ривожланишига кўмаклашади.

“Ўйинчоқни топ”

Машқ учун чиқараётган товушининг тембри ва хусусияти бўйича контраст бўлган “овоз чиқарувчи” ўйинчоқлар зарур. Масалан: шақилдоқ, болалар дутори, кўнғироқ, доира, ёғоч қошиқлар ва ҳ.к. Машқни бошлашдан аввал катта инсон болани ўйинчоқ ва унинг товушларини билан таништиради. Кейин бола ўгирилиб туради (ёки кўзларини юмади, кўзларини боғлайди) ва қандай предметнинг товуш янграганини топиши керак.

Ҳид билишнинг бузилишида фойдаланиладиган машқлар

“Ҳидни аниқла”

Болага бир неча ҳидларни ҳидлаб кўриш ва эслаб қолиш таклиф этилади (хушбўй исли банкалар). Сўнгра унинг кўзларини рўмолча билан

боғлайдилар, бурнига ҳидлардан бирини тутадилар ва бу ниманинг ҳиди эканлигини топишини сўрайдилар.

Таъмга оид дезориентацияда фойдаланиладиган машқлар “Таъмни топ”

Боланинг олдига бир неча яхши таниш бўлган хўл меваларни қўядилар. Масалан, олма, шафтоли, нок, олхўри. Сўнгра боланинг кўзлари юмук ҳолда, қандай хўл мевани татиб кўрганини топишини сўрайдилар. Аниқланадиган таъмлар жуда турли-туман бўлиши мумкин.



“4 та таъм”


Болага тўртта асосий таъмни татиб кўриш таклиф этилади:

- ширин (масалан, шакар);
- шўр (масалан, туз);
- нордон (масалан, лимон бўлаги);
- аччиқ (масалан, қалампир бўлаги).


Сўнгра болага нима ширин, шўр, нордон ва аччиқ бўлишини айтиш таклиф этилади.

Агар бола таъмга оид дезориентациянинг юқори даражасига эга бўлса, бир ёки икки таъмдан фойдаланиш билан машқларни бошлаган ва секин-аста қолганларини қўшган маъқул.

Юқоридаги 2-жадвалда тақдим этилганидек, вестибуляр дисфункцияда аргимчоқлар билан, батутда, катта коптоклар билан машқ ўтказиш мумкин. (Аргимчоқда тебратишда, боланинг асаб тизими бош мияга юбориладиган қўзғатувчиларга ишлов беришга улгуриши учун қўзғатувчиларни идрок этиш иерархиясини инобатга олган ҳолда, фақат бир йўналишда тебратиш лозим)



Тактил дисфункцияда адёл, ухлаш қоплари, уқалаш гиламчаларидан фойдаланилади.



Уқалаш гиламчалари болага тактил-ҳаракатли идрок этишини ривожлантиришига, унга турлича фактурадаги предметларни ҳис қилиш ва улар билан ўйнашга ёрдамлашади. Сенсор интеграциясида бузилиши бўлган баъзи болалар хавотирланувчан бўладилар, уларда уйқу бузилган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда уйқу қопчалари тинчланишига, ўзини хавфсиз ҳис қилишига ва уйқуга тайёрланишига ёрдам беради.



Баъзи манбаларда сенсор адёл деб номланадиган оғир адёл, ҳам хавотирлилиқ даражасини пасайтиради. Қўшимча оғирлик ўз танасини ҳис қилиш ва англашга ёрдам беради. Елкага адёлни ташлаб, боланинг диққатини муайян топириқни бажаришига жамлаш мумкин. Шунингдек, у мушакларга оид тонусни бошқаришига ёрдам беради. Бундай адёлнинг таркиби полимер ёки гречка (маржумак) бўлиши мумкин. Бироқ ушбу адёлни қўллаш бўйича муайян йўриқнома бор. Адёлнинг вазни бола вазнидан 15 фоиздан ошмаслиги керак. Мазкур адёлдан юрак-қон томир ва нафас органлари касалликларида ҳамда термобошқарувли муаммолари бўлганда фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, мазкур адёлни болаларга уч ёшдан бошлаб қўллаш тавсия этилади.

Оғирлаштирилган нимча, худди адёл каби тинчлантиради, хавотирни бартараф этади ва болага ўз диққатини жамлашга ёрдам беради. Нимча ва адёл аутистик спектрида бузилиши бўлган, болалар церебрал фалажи, диққат танқислиги синдроми ва гиперфаоллиги бўлган болаларнинг сенсор интеграцияси ва реабилитациясида жуда кўп қўлланади.



Боланинг сенсор интеграцияси ривожланишида сенсор хонасининг ролини таъкидлаш зарур. Сенсор хона – бу турли-туман қўзғатувчилар бўлган, мақсади боланинг сезги органларига таъсир кўрсатишдан иборат муҳитдир. Сенсор хона нафақат тинчлантирувчи ва бўшаштирувчи таъсир кўрсатишда, балки тетиклаштирувчи ва рағбатлантирувчи таъсирга эришишда ҳам фойдаланиш мумкин. Турли-туман қўзғатувчиларга қуйидагилар тааллуқли: ёруғлик ва ранглар, товушлар (музыка), ҳидлар, шунингдек, тактил сезгилар.



Хона қўл ва оёқлар учун сенсор панеллар (оёқлар учун махсус сенсор йўлакчалар, қўл текканида тебраниш ҳосил қилувчи ҳаволи-пуфакчали трубкалар) билан қопланган. Хона ёруғлик таратувчи оптик эффект ва овозли кузатув (интерфаол панеллар, прожекторлар тизимлари)га эга бўлган чироқли асбоблар билан жиҳозланган. Шунингдек, музыка ёки товушлар жамламасини ижро этиш тизимлари мавжуд. Уқалаш коптокчалари ва бошқа қулай буюмлар бўлиши мумкин. Ёруғлик эффектларини кучайтириш учун хона майдонини катталаштириб кўрсатувчи махсус кўзгулар бўлиши мумкин.

Ҳаволи-пуфакчали трубкалар кўриш, тактил ва эшитиш идрокини қўзғатади. Интерфаол панеллар, прожектор тизимлари, ёрқин ёруғлик чиқарувчи оптик эффектлар, ёритгичли кўзгули шарлар диққатни жалб

этади, қўзғатади ва қўллаб-қувватлайди, ёқимли муҳит яратади. Сенсор хонанинг фаоллаштирувчи блоки жиҳозларини қўллаш болаларнинг билишига оид қизиқишлари ва ҳаракатли фаоллигини рағбатлантиришига йўналтирилган.

Болалар уйида бундай хонанинг ташкил этилиши болаларда сенсор функциялар (кўриш, эшитиш, ҳид билиш) нинг заифлигида уларнинг сенсор интеграциясида самарали бўлиши, эмоционал соҳасида бузилиши бўлган тарбияланувчига мослашишининг бузилишида, хулқ-атворнинг бузилишида, нутқ ва психомотор ривожланишидаги бузилишларда, асабий тиклар ва дудуқланишида ёрдам кўрсатиши мумкин. Одатда, сенсор хонадаги машғулотлар 45 дақиқадан ошмайди. Машғулотлар 2-4 нафар боладан иборат гуруҳда ҳамда якка ҳолда олиб борилади. Сенсор хонада ишлаш чуқур ақлий заифлик, эпилепсия, юқумли касалликлар, гиперфаоллиги ва оғир даражадаги турли психоневрологик касалликлари бўлган болаларга тавсия этилмайди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
“Аутизм” – нима?.....	5
АСБ бўлган боланинг тасвири.....	8
АСБ бўлган болани қандай аниқлаш мумкин.....	12
АСБ бўлган болага қандай қилиб ёрдам бериш мумкин.....	14
АСБ бўлган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш.....	25
Катталар учун эслатма ёки АСБ бўлган болалар билан иш олиб бориш қоидалари	27
АСБ бўлган болалар билан қандай ўйнаш керак.....	28
Ҳаракатли ўйинлар.....	29
Стол устидаги ўйинлар.....	32
Сенсор интеграциясида бузилишлари бўлган болалар билан терапевтик ва коррекцион иш олиб бориш.....	32
Хулоса.....	41
Глоссарий.....	42
Адабиётлар рўйхати.....	43
Илова.....	45

Д.А. Маджидова

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АЛОҲИДА
ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ**

услубий тавсиялар

“Bookmany print” нашриёти

Нашриёт тасдиқнома рақами № 022246. 28.02.2022 й.

Босишга рухсат этилди: 05.06.2023.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆

Нашриёт босма табағи 3,2. Шартли босма табоқ 3,3.

Адади 100 нусха. Офсет усулида босилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.

“BOOKMANY PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.